



O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956-YIL 4-YANVARDAN
SHIQA BOSHLAGAN

АДАБИЙ-БАДИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТА

№ 41 (4543)
2019 ЙИЛ 4 ОКТЯБРЬ

КИТОБ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Ўзэкспо-марказ" Миллий кўргазмалар залида "Tashkent Book Fest" I Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси бўлиб ўтмоқда. Талбирда 18 та хорижий ҳамда 45 дан ор-тиқ маҳаллий нашриёт ҳамда китоб савдо ташкилотлари иштирок этмоқда.

— Кўргазмани ўтказишдан максал — китоб ва китобхонликни қўллаб-қувватлаш, талбирда катнашаётган мамлакатлар адабий меросини ўрганиш ва тартиб этишдан иборат, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева. — Шунингдек, нашр-матбаа соҳасида халқаро тажрибаларни ўрганиш, ноширлар ҳамда китоб ва китобхонлик соҳасидаги ахборот-кутубхона

муассасалари, китоб савдоси ташкилотлари ҳамкорлигини ўрнатиш ҳам қўзда тутилган. Кўргазма доирасида ижодкорлар, рассомлар билан учрашувлар, мавзуга оид семинарлар, маҳорат дарслари ва турли қизиқарли танловлар ўтказилади.

— Бу Ўзбекистоннинг нашр соҳаси тарихидаги энг улкан анжумани десам янглишмайман ва унда ёшларнинг бу қадар фаол иштирок этаятгани мен

учун қувончлидир, — дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди Тўхтабоев. — Биз ёзувчилар ёшларга муносиб адабиёт яратишимиз керак, уларни бево-сита китобга — биз ўзимиз ёшлигимиздан ўқиб улғайган китоблар оламига олиб киришимиз лозим. Кўргазмада қўллаб мамлакатларнинг мазмун ва шакл жиҳатидан турлича бўлган адаби-ёти билан танишув кишини мамнун қилади. Ўқувчининг маънавий оламини бойитишга қаратилган ҳар бир китоб — ижодкор ва ноширларнинг машаққатли меҳнатлари эвазига яратилган.

Талбирга Алмати шаҳридан ташриф буюрган ТОО "8&8" нашриётида чоп этилган ранг-баранг китоблар ўқув-чи ёшларнинг эътиборини қозонди.

— Бизнинг нашриёт ўқув қўлланма-лари чоп этишга ихтисослашган, икки ёшдан ўн етти ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар учун инглиз, рус, козок тилларида китоблар чиқарамиз, — дейди нашриёт раҳбари Галина Сеидхано-ва. — Ўзбекистон Президенти томони-дан илгари сурилган беш ташаббусдан бири ёшлар орасида китобхонлик ма-даниятини оширишга қаратилган тах-синга сазовор. Шу жиҳатдан ҳам бу-гунги китоб байрами барча ноширлар учун фойда манфаатли, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ўр-натишимиз, ўзбек тилида ҳам болалар ва ўсмирларга мўлжалланган зарур ки-тоблар чиқаришимиз лозим. Мен китоб нашрининг келажакги борлигига ишо-наман. Бугунги учрашувимиз Ўзбеки-стонда ўтаётган Қозғоғистон йили му-носабати билан янада муҳим аҳамият касб этади.

Флора ФАХРУТДИНОВА



21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг
«Давлат тили тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган кун

АДАБИЙ ТИЛ МАВКЕИ

Сўз гуҳарга эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гаҳар садаф.

Ушбу байтдаги марварид доналаридек тизилган харф-ларга кўз югуртирар эканман, ҳар бир сўз ўз ўрнида шу қа-дар юксак маҳорат билан жойлаштирилганини, уларнинг ҳеч бирини нари-бери сиқитиш мумкин эмаслигини яна бир қарра хис қилдим.

Ҳар гал сўз қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритмоқчи бўлсам, энг аввал, ҳазрат Навоий ва Бобур ижодида мурожа-ат қиламан. Ўзимча уларнинг бадийят уммонида сузмокчи бўламан. Тўғрироғи, бу уммонга шўнғиш тугул, унинг соҳи-лига яқин йўлашга ҳам журъдим етмайдигандек туюлади. Қошғарийдан Фурқатгача, Қодирийдан Фитратгача, Абдулла Қаххордан Озод Шарафиддиновгача, қўйинг-ки, тил ва адаби-ёт сабоғини берган устоз-мураббийларнинг онги шууримда: "Сен Яраттанинг инъоми — тил орқали сўзлар экансан, сўз-ларни ўз ўрнида қўлай олдингми?" деган талабчан нигоҳини хис қиламан. Мен оддий она тили фани ўқитувчиси сифатида ўз ишларимни сарҳисоб этарканман, аввало, ўқувчиларим қўз қарашларида нималар акс этганини илғашга уринаман. Эшик-дан кириб келган ўқувчининг қайси бири муомала мадания-тига қос тарзда салом берганидан тортиб, қўз жараёнида ўзини қандай тутганигача, қўз ўнгидан мисоли қўзғаладигек, савий-харакатларимнинг натижаларини намоян этиди. Қани, уларнинг қайси бирида менга тақдир бор? Қайси бирида теле-видение ёки кўз телефонининг таъсири сезилади?..

Ўйга толаман... Тўғри, рухунослар таъкидлашча, бо-ла одатда яхшиликдан кўра ёмонликдан тез тасвирланар-кан. Интернет хабарлари, кўпчиликни ўзига сеҳрлаган "ой-наи жаҳон"даги сериаллар, рекламалар, баъзи миллий кино фильмлардаги кўпроқ шевада сўзлашлар беихтиёр эътибо-рини тортади. Бундай "ўзига хослик"ка тақдир шевага хос сўзларни қўллаш билан белгиланаётгандек, назаримда. Шу ўрнида бир фикр: одатда, маънавий-маърифий масалалар таҳлил қилинганда, нутқ маданиятидаги сазлиқнинг илди-зи

ҳақида фикр айтилади. Кимдир компьютер графикаси, ким-дир тасвир сифати, кимдир вақт чегараси ҳақида гапирди. Нутқ маданияти ҳақида кўп гапирилса-да, шевага хос сўз-ларни қўшиб гапирилишга ҳамма вақт ҳам диққат қаратил-майди. Бу эса 2-3-синфда ўқиётган фарзандимизнинг дарс пайти шевага оид сўзларини аралаштириб қўллашга сабаб бўлмоқда. Улардан бундай тақдирнинг нима-си яхши деб сўраганимда "Кеча фалон кинода шундай деди, ёмон бўл-са кўрсатишармиди?", деган жавобни эшитдим. Агар ҳар гал чиқишларимизда ўз шеваимизни тушуниб-тушунмай қўлла-версак, адабий тилининг мавкени қандай бўлади?

Адабий тил асрлар мобайнида сайкал бериб шакл-лантирилган экан, ахборот воситаларидаги чиқишларда, айниқса, айрим замонавий миллий фильмларда қаҳра-монлар ўз шевасида гапиришга ҳожат борми? Нега ома-мага мўлжалланган рекламалар шевага хослиги билан ажралиб туриши керак? Биз ўзбек тилимиз софлиги уч-чун, нутқимизда рус ёки бошқа тиллардаги сўзларни ко-риштирмай гапиришни бир-биримиздан талаб қилдик, балки бунга қисман эришгандирмиз ҳам. Энди шева сўз-ларини адабий тилга қоритишмасликка ҳаракат қили-шимиз керак. Акс ҳолда мен каби оддий ўқитувчининг ўқувчиси билан салом-алигидан тортиб, ўзаро мулоқо-тида ҳам нуқуллайликлар келиб чиқди, деб ўйлайман.

Она тилига ҳурмат мактаб, ҳатто боғча ёшдан болага синдириларкан, бу машаққатли юмуш ҳеч қайсимишга ма-лол келмасин, дейман. Муомала маданиятимизда адабий тилимиз софлиги борасида ҳормай-толмай иш олиб бора-йлик, токи ёш авлод бизнинг яхши томонимизни ўзлаштириб олсин. Биз келажакимиз эгаларига чиройли нутқ соҳиби бў-лишдек савобли ишни зиммамизга олибмизми, уни давом эттиришга жиддий киришайлик.

Наргиза ҚҮЛДОШОВА,

Зарафшон шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби
ўқитувчиси

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида
"Ўтмишдан ҳозирга қадар Ўзбекистон-Туркия
муносабатлари" номли халқаро конференция
бўлиб ўтди.

Конференцияда етук олимлар ва тадқиқотчилар томонидан "Ўзбекистон ва Анадоли ўртасидаги тарихий ва маданий алоқалар", "Ўсмонийлар ва Туркистон му-носабатлари", "Ўзбекистон ва Туркия сиё-сий ва иқтисодий алоқалари" мавзуларида-ги долзарб мавзулар тингланди.

Анжуман дастури доирасида қадимий

маданиятимиз умрбоқийлиги хусусида мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Биз — туркий халқлар ўз анъ-аналаримизга, исломий кадриятларимиз-га қанчалик аҳамият берсак, илм, санъат ва меъморлик соҳаларида дунёни хайрат-га соладиган қудратга эга бўлишимизни таъкидлаган Марям Гуней: "Ўста санъ-

аткорларимиз томонидан лойихамиз до-ирасида яратилган махсус асарлар ҳамда ўз соҳасининг кучли олимлари томони-дан тайёрланган кенг қамровли илмий анжуман китоби билан маданиятимиз ривожига ҳисса қўишни, ўзбек халқи-нинг тарихини, маданиятини тарғиб қи-лиш ва мамлакатларимиз ўртасидаги

дўстлик ришталарининг мустаҳкамлани-шига ҳисса қўишни истаймиз", деди.

Мазкур жараёнлар мамлакатимизнинг жаҳоннинг қўллаб-даватлари билан ўзаро дўстлик муносабатларини ўрнатишга кат-та замин яратди.

Достонбек РАХМАТУЛЛАЕВ

МАРД МАЙДОҲДА СИНАЛГАЙ



Ўзбек боксчиларига

(Екатеринбург. 21.09.2019 й.)

Шавкатли замонларнинг
ўғлонлари сиздирсиз,
Бирингиз кош бўлсангиз,
бировингиз кўздирсиз.
Осонми бу дунёда
юрт донгини таратмоқ,
Олам ахлини юзини
бир зарбингга қаратмоқ.
Дунё ўзи нимадир —
чексиз кураш майдони,
Тиш қайраб турса бунда
арслонига арслони.
Дилбандингни сен ўзинг
қўллаб тургил, отажон,
Ўзбекистон, жонажон,
Ўзбекистон, онажон!
Чин фарзандлар курашгай
номус учун, ор учун —
Дилда Ватан бор учун,
Дилда Ватан Ёр учун.

Кураш надири: гоҳ енгмоқ,
гоҳида енгилмоқдир.
Енгилмоғинг осону
енгмоғинг қийинроқдир.
Пахлавон Маҳмудларнинг
тумори бўйинингизда,
Қадрловлар соғинчи,
хумори кўнглингизда.
Бирингиз — йигирма ёш,
бирингиз йигирма беш,

Дунё надири, энг аввал
идлаосин қилгай пеш.
Ватан десам кўрингай
хар дашту хар қир азиз,
Шаҳобиддин, Дилшодбек,
Бобоусмон, Миразиз —
Қалқиб турди кўзимда
жолаларим — жонларим,
Нону тузин пок-халол
оқлолган ўғлонларим!
Шаънингизга шеър битдим,
туңларим сиёҳ бўлди,
Тўққан севинч ёшимдан
хар сўзим гиёҳ бўлди.
Чин фарзандлар курашгай
номус учун, ор учун —
Дилда Ватан бор учун,
Дилда Ватан Ёр учун.

Сангардак суваридан
ичиб кетган боламсан,
Томиримсан, гиёҳим,
майсамдирсан, лоламсан.
Бир муштингда миллатнинг
залвори бор, юки бор,
Термизий боболарнинг
дуоларин кучи бор.
Алп эрларнинг наслисан,
Алпомишлар авлоди,
Баҳодирсан алпқомат —
Жалолдин зурёди.

Етти икким зўрларин
енга олган фарзандим,
Дилу жони жонимга
пайваста ҳам пайвандим,
Ёт элларда хайикмай
майдонга тушганимда,
Рингмас, гўё ўт-олов
сандонга тушганимда —
Кўксим аро потирлаб
қушга айланди дилим,
Ҳар зарбингдан менинг ҳам
муштта айланди дилим.
Ай болам-ай, ўпайин
қошларинг, қароғингдан,
Олам аро энг баланд
кўтарган байроғингдан!
Шавкатли замонларда
шаъну шавкат яралгай,
Шундай юксак онларда
халқ ва миллат яралгай!
Дилбандингни сен ўзинг
қўллаб турдинг, отажон,
Ўзбекистон, жонажон!
Ўзбекистон, онажон!
Мард ўғлонлар олишгай
номус учун, ор учун,
Дилда Ватан бор учун,
Дилда Ватан Ёр учун,
Дилда Ватан Ёр учун!

Сирождин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

ЎЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ЙўЛЛАНМАСИ БИЛАН

ҚИРМИЗИ ОЛМАЛАР ҲИДИ

Август оёклаётган кезларда Ўзувчилар уюшмаси йўл-ланмаси билан Фарғона вилоятига ижодий сафарга отлан-дим. Марғисон шахрига қирарканман, бекатда олтимси беш ёшлар қаватига туладан келган, бошида марғилон дўппи кийган киши рўпарасида автоловни тўхтайтиб, баланд овоз-да Эркин Воҳидов номидаги боғни сўрадим.

— Уч-тўрт бекат юрсангиз йўлнинг чап тарафида, мен ўша томонга бораман, олиб кетсангиз, кўрсатиб қўяман, — деди у тортиниброқ.

— Майли, чикинг, — деб автолов эшгини очдим. Киришимли одам экан, йўл-йўлакай бироз суҳбатлашдик. Боғ қаршисидаги маҳаллада яшашини айтди.

— Янгидан барпо бўлган боғни Президентимизнинг ўзлари очган. Бир умр ёдимда қолди ўша учрашув, — дея сўзини тугатди.

Хамроқдан билан дилдан хайрлашиб, Ўзувчилар уюшма-си Фарғона бўлими раҳбари, Ўзбекистон халқ шоири Эна-хон Силдиқовага кўнгирик қилдим.

— Бироздан сўнг учрашамиз, хонага жойлашиб, дам олиб туринг, — деди Энахон.

Бир зум ўтмай ўрта бўй, қорачадан келган ёш йигит кириб келиб саломлашди. У билан танишдик: Абдуха-ёт Абдуқодировнинг илк шеърый китоби 2013 йили нашр этилибди. Хонада энди оёқ узатган ҳам эдим, эшик тақил-лаб: "Ўстоз, сизни Энахон опа сўрапти", деб Абдухаёт ме-ни дастки қаватга ундади. Энахон билан салом-алик қилга-нимиздан сўнг: "Ижод мактаби, музей билан хали танишма-гандирсиз? Юринг, ўзим кўрсатай" деб улкан, оппоқ бинога бошлади. Ичкарида рассомлар деворга суврат чицаётганини кўрдик. Мусавирлар тасвиридан хайратландим... Ҳақиқий ижод мактабининг нафаси уфуриб турибди. Бу ердан кўн-лимиз чоғ бўлиб музейга кирдик. Бинонинг иккинчи қава-тида вилоят санъаткорларининг ҳаёти ва ижоди кенг акс эттирилган. У ерда ҳам қатта давр, тарих маскан қурган. Давлатимизнинг адабиёт ва санъат ахлига эътиборидан хай-ратланасан киши. Ай, бугунги адабиётга таъбиридан ёшлар-га шарт-шароит шу қадар бекаму кўст, ижод мактаби ор-тида шинам ётоқхона замонавий услубда қурилган. 2

Хуллас, ҳамма нарсга муҳайё. Фақат юрак хайратда.

ҚИРМИЗИ ОЛМАЛАР ҲИДИ

Бошланиши 1-саҳифада

Мустақиллигимизнинг 28 йиллик айёмига бағишланган, бешта ижобий ташаббус доирасида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тасарруфидagi харбий қисм ва Миллий гвардиянинг Фарғона шаҳар ўқув маркази зобит йигитлари саҳнада ўзларининг билими, маҳоратини, Амир Темур ва Жалолиддин Мангубердига муносиб ворислар эканликларини яна бир қарра намойиш этди. Учта шарт асосида беллашган харбийларнинг ҳозиржавоблиги, ҳурфикрлиги ҳакамлар ҳайъатини баҳолаш жараёнида шошириб қўйди. Миллий ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари устида баҳслашган йигитларнинг нечоғли зукко эканлигини томошабинлар олқишидан ҳам кўриш мумкин. Жанговар шайлиги ва касбий малакаси юқори, чуқур билим ва интеллектуал салоҳиятини, ўз муқаддас харбий бурчини бажариш йўлида қатъий ирода ва мустаҳкам тайёргарликка эга бўлган мард ўғлонларнинг изланувчанлигини кўриб ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида тўлқинланиб таъирланди.

Замонавий харбий билим ва кўникмаларга эга, тинчлик ва барқарорликни сақлашдек олийжаноб мақсад йўлидан бораётган бу йигитлар ушбу танлов орқали Ўзбекистоннинг химояси, келажаги ишончли қўлларда эканлигини намойиш этди. Маънавият билан уйғун бўлмаган жисмоний етуклик ҳеч қачон эзгу ғояларга хизмат қилмайди, деган эди буюк саркардалардан бири. Мард ва жасур харбийларимизнинг кучини юксак маънавий озуқа билан бойитиш мамлакатимизнинг суянч кўрғонини икки қарра мустаҳкамлайди.

Вилоятнинг энг чекка Сўх туманига, Энахон Сиддиқова билан келишганимиз бўйича, тонгда йўловчи машинада йўлга чиқдик. Йўл “тўғон”ларидан ўтиб, Сўхга ҳорғин кириб бордик. Туманда амалга оширилган ўзгаришлар билан таништириш учун бизга журналистлар Фарҳоджон Миршарипов ва Анваржон Жўрабоев ҳамроҳ бўлишди.

— Шу қисқа йиллар ичида Сўх бутунлай янгиланди, эски бинолар ҳам қайтадан қурилди десам янглишмайман, — дея бизни йўлга бошлади Фарҳоджон.

— Мана бу бино Президентимиз таклифи билан қурилган “Тўқимачилик корхонаси”, — деди янги бинога ишора қилиб Анваржон. — Бутунги кунда 200 нафар аҳоли шу жойда ишлайпти.

— Туманимизда кичик корхоналарга эътибор кучайган. Гапимнинг исботи учун сизларни “Сўх намунаси” тикувчилик корхонасига олиб бораман, — деб машинани тезлатди Фарҳоджон. Шундоқ маҳалланинг ичида бунёд бўлган тикувчилик корхонасига кирганимизда юз нафардан зиёд хотин-кизни иш устида кўрдик. Тикувчиларнинг барчаси ёшлар.

— Корхонамиз шу йилнинг март ойидан фаолиятини бошлади. Тикувчи, бичувчиларимизнинг аксарияти

маҳалламиз ёшлари. Улар йўлқирага, тушликка пул харажат қилмайди. Тушликда уй-жойи ва бола-чақасидан хабар олиб, ишини хотиржам давом эттиради. Корхонамизда асосан махсус иш қийимлар, мактаб формалари ва аёллар либослари тикилади, — деди корхона раҳбари Каримжон Ғойибназаров.

Туман ҳудуди бўйлаб юрар эканмиз, “Чашма” маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли 20 та намунали уй битиб, янги оилалар кўчиб кирганига гувоҳ бўлдик. Туман бўйича 26 та мактаб, 3 та лицей ва 24 та мактабгача тарбия муассасаси бор экан. Биноларнинг барчаси таъмирдан чиқиб, янги қурилгандек кўзга ташланиб турибди.

Катта йўл бўйидаги 11-умумтаълим мактаб ҳовлисига кирар эканмиз, ранг-баранг гулларга кўзимиз тушиб, кўнглимиз ҳам гуллардек очилди. Мактаб ҳовлисига олмалари кўпчилигидан дарахтлар шохлари ерга тегай деб турибди. Кимдир олдимизга қирмиз ранг олмалардан узиб келди. Ҳаммаёқни олма ҳиди тугди. Тоғ ҳавосидан симириб пишган олмалар бошқача бўлар экан.

— Бу йил давлатимиз томонидан жами 2 миллиард 210 миллион сўм миқдорда пул ажратилган. Ана шу ҳисобдан 210 кишилик янги бино қуриб битказилди. Мавжуд бинолар таъмирланди, — деди директор мамнун.

Шундай суҳбатлар билан яна бир бор мактаб ва боғни айланиб, йўлга чиқдик.

— Энди сизларни соя-салқин “Ҳазрат Али” зиёратгоҳига олиб бораман, — деди Фарҳоджон.

Дарҳақиқат, зиёратгоҳ катта-кичик билан гавжум экан. Бу ер дуо-фотиҳа ўқилиб, одамлар дам оладиган ва руҳини поклайдиган маскан экан. Бундай азиз жойлар тинчлигимиз неъматини эканлигидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

— Энди Фарҳоджон, бизни Сўх дарёсининг соҳилига олиб борсангиз, шарқираб оқаётган сув ҳам кишига ўзгача шукх бахш этади, — дедим.

Ажабо, дарё лойқаланиб оқаяпти, худди тоғ тусида, дейман ўз-ўзимга. Худди мени кўнглимни англагандек:

— Бу сув ҳув наридаги қорлари энди эриётган тоғлардан келяпти, — дейди Анваржон.

Бекорга Сўх гуручи машҳур эмас экан-да, тоғ гардини олиб келган сувни ичган шолининг гуручи мазали, тотли бўларкан, деган фикр кечди кўнглимдан.

Ҳа, ҳар бир жойнинг оби-хавоси, табиати, суви инсонни, ноз-неъматини ва бутун жонзотни ўзига мослайди. Дунё шуниси билан кизик.

Юракларимиз Сўх дарёсидек тўлқинланиб, кўнглимиз Сўх тоғларидек юксалиб, оқшом Фарғонага қайтдик.

Ўзбекистон Республикаси Фарғона бўлими қўшма “Олтин қалам” адабиёт тўғраги аъзолари билан учрашув турфа савол-жавоблар билан кизгин кечди. Тўғрак раҳбари, иқтидорли шоира Дилшода Эргашева тўғрак аъзоларини таништирар экан, улар вилоятнинг турли туманларидан келган ижод мактаби ўқувчилари эканлигини айтди.

Тўғрак аъзоларининг шеърларини тингладик. Ижод мактаби ўқувчиларининг шеърларида уларнинг устоз кўр-

ганликлари яққол сезилиб турибди.

Тўғрак аъзоларига мен ҳам Сўхдан олган таассуротларим бўйича ёзган янги шеъримни ўқиб бердим.

Сўх дарёси

И.
Эй Сўх дарёси,
соҳилда юрибман танҳо.
Шарқираб,
итқитиб не-не тошларни,
оқасан телбадек.
Гарчи август кунлари
оқасан лойқаланиб,
ранг-рўйинг тоғларга уйкаш.
Кўмлар,
тош парчалари
изғир қўйингизда.
Эй дарё,
ўжарсан қўнглим каби.
Тин билмасан — юрак сингари.
Сен жимликни сўймайсан сира.
Сукунат ўлимдир —
мавж уриб оқмаслик ўлим.
Гоҳида қирғоққа бош ургайсан,
учурсан сапчигиб тўлқин
ва парвоз айлаласан жўшқин.
Эй дарё,
о, тирик мавжудотсан —
қушсан тўё.
Менинг қофияга синмаган
синик сатрларимдек,
Оҳанг таратасан мунгли ва
гамгин.

Эй дарё:
Менга аён-ку туғилган жойинг,
бу тоғлардан нари —
тоғлар қучоғи.
Сен ҳам
менингдек йўл босиб
келасан олис.

Паноҳинг ҳам,
ўтинчинг ҳам ўзингсан ёлғиз.
Эй дарё,
бағринг тўла харсанглар,
хали манзил узун,
хали манзил мағзун.
Олдинда тўғонлар,
қўйингизда тўғонлар,
бағринг тўғонлар...
Эй дарё,
мен соҳилда юрибман
танҳо юрак-ла,
хайкирар ичимда танҳо бир Дунё.

II.
Эй Сўх дарёси,
қўнглим яраси.
Мен сенинг соҳилингга
келгунга қадар
не-не дамбалардан ўтиб
келмадим.
Осмон қадар узундир йўл,
хузулдир йўл...
Эй ёвқур дарё,
бунча чигал бўлмаса дунё?!
Раккосдай тўлғониб ошиб
тоғлар келасан,
умр каби еласан.
О, менга қисматинг ила ёқасан.
Эй қисматдош
ва йўлдош,
Сўх дарёси.
Мен соҳилда юрибман ўйчан,
паршон,
ўйларимнинг йўқдир адади.

Турсун АЛИ

Ҳар бир давлатнинг келажаги ўша юртдаги ёшлар тарбияси билан боғлиқлиги шубҳасиз ҳақиқат. Тарбия “ҳаёт — мамот” масаласи эканлиги доимо тарбия жараёни диққат марказида бўлишни талаб этади. Шунинг учун ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ёшларга қаратаётган эътибори мамлакатимиз келажагини ўйлаб қилинаётган энг долзарб ишлардан биридир. Ижтимоий, маънавий, маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта ташаббус шу йўлдаги ўта муҳим вазифалардан.

Ёшлар истеъдодини юзага чиқаришда мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари ва уларнинг кизиқишини ошириш, жуда тўғри таъқидланганидек, ҳар бир талантга эътибор қаратиш миллатнинг бурчи. Халқ тафаккурининг тутанмас хазинасида ноёб дурлар — истеъдодлар доимо топилади. Олмосни заргар ишлов бериб, жилонангириб қимматини оширгандек, ёш талантларни ҳам устозлар эҳтиётлаб тарбиялаши, асраб-авайлаб истеъдодини юзага чиқариши даркор. Биргина истеъдод соҳиб давлат ва миллатнинг донгини дунёга ёйиши

Полвонлар, умуман, спортчилар азалдан эл-юртнинг гурури-орини катта майдонларда баланд кўтарувчи инсонлардир (тарихда хоразмлик Пахлавон Маҳмуд пир, бутун эса шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов, халқаро тоифадаги ҳакам Равшан Эрматов ва бошқалар фахримизга айланганини эслайлик). Собик шўролар вақтида битта гроссмейстери бўлмаган миллатимиздан бутун ўнлаб халқаро гроссмейстерлар чиқмоқда. Ёш музикачиларимиз халқаро танловларда “Гран при”ларни олиб келмоқдалар. Му-

салтиришнинг асоси илмий бўлишидир. Илм эса китобхонлик орқали ҳосил бўлади. Китобхонликни қучайтиришнинг йўллари кўп. Мен шундай таклиф берган бўлардим: “Халқ кутубхонаси” руқни остида қишлоқлардаги зиёлиларни бу ишга жалб қилиш керак. Уйдаги китобларидан қўни-қўшниларга, маҳалладошларига бериб, китобхонликни тарғиб қилаётган ижодкорларимиз, зиёлиларимиз бор. Мен улардан бир нечасини биламан. Мана шундай инсонларнинг рўйхатини тузиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватланса, бу борадаги ишларимиз янада жадаллашиб кетган бўларди. Маҳалла ва қишлоқ кутубхоналарига китобларини совға қилувчи ижодкорлар ҳам кўп. Ана шундай ишлар изчил ташкиллаштирилса, китобхонликнинг кескин ошиши шубҳасиз. Бу иш мавсумий эмас, доимий, тизимли шаклда амалга оширадиган жараён бўлиши керак.

Шарқда аёлларга муносабат ниҳоятда баланд бўлган. Яхшиликни, аввало, онангга қил, жан-

МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ТАШАББУС



нат оналар оёғи остидадир, мазмунидagi ҳадислар миллатимизнинг онгу шуурига сингиб кетган. Афсуски, бир вақтлар бу борада бизни жоҳилликда айблаганларига ўзимиз ҳам ишониб қолгандик. Аёлниинг интеллекти баланд бўлса, миллатнинг интеллекти баланд бўлади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масаласи дейилганда, уларнинг жамиятга фаол аралашуви, жамият тарбиясида ҳам фаол бўлишга чорловни тушуниш лозим. Ватанга меҳр гўдак билан бирга улғайиши зарур. Ёшлитидан қимлигини билган, ажодларнинг қадрига етатидиган, миллатсаварлик туйғусини ҳис қилган ўсмир улғайгач ҳеч қандай широрлариз Ватан туйғусини ҳис қиладиган бўлади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг хароб ахволдаги Японияда таракқиёт маърифатга эътибордан бошланган. Ҳар ким имконидан келиб чиқиб, шароитини ватан раънақи учун топширган. Индонезия ҳам иқтисодий бугун бўлганида шу йўлни тутган. Ватан туйғуси бўлмаса, шу ишлар бўлармиди?! Бутун қават-қават қошона уйлари, бир нечта лаб автомо-биллари, ошхона рестороанлари, шахсий меҳмонхоналари бор ўзбек янги бойлари, сармоядорлари ҳақида ҳам эшитаяптимиз. Илоҳим бўлсин, бу яхши, аммо шулардан қанчаси маърифат йўлида ёки бирор иқтидорли талабга контракт пулини тўлаш учун ёрдам қўлини чўзаятганикин? Миллатпарвар ота-она тарбиялаган бола эса ҳаммаша юрт тақдирини ўйлашга аминман.

Президентимиз ташаббусларининг моҳиятини ҳар бир ватандош дилдан англаган ҳолда бу жараёнда имкони қадар фаол иштирок этмоғини ўзининг халқи олдидаги бурчи деб билимоғи шарт. Бу ишларга бефарқ бўлиш Ватан ва миллат келажагига бефарқ бўлишидир.

Китобхонлик халқимизнинг қониди бор. Афсуски, маълум вақт бу жараён сусетлашди. Аждодларимиз китобни нақадар ардоқлаганини биламизку! Ватанимиздан қўлаб даҳолар етишиб чиққанининг боиси халқимизда илмга интилиш, китобнинг қадри баланд бўлганида. Мудроқликни тарқ этиб, онгни уйғотиш учун бу ташаббуснинг аҳамияти катта. Маънавиятни юк-

Адхамбек АЛИМБЕКОВ,
Тошкент давлат
шарқшунослик институти
доценти

ШИФОКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Устоз ва мураббийлар байрами муносабати билан Тошкент педиатрия тиббиёт

институтининг Ахборот-ресурс марказида Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси аъ-



золари, таникли шоирлар билан тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб келаятган профессор домлалар ва талабалар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Ушбу ҳаяжонли тадбир ҳар галгидек Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси томонидан чоп этилган 120 дан ортиқ энг сара бадий адабиётларни институт кутубхонасига совға сифатида топширишдан бошланди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўрта ва олий тиббий таълимни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Гулнора Юсупалиева ва Ўзбекистон халқ шоири Сирожиiddин Саййид очиб берди. Унда таникли шоирлардан Шамсиддин Садоний, Ахтамкул Карим ҳамда Шодмонкул Салом устоз ва тиббиёт ҳодимларига бағишланган шеърларидан ўқиб, барчани байрам билан қутлашди.

Шу кун ижодкорлар Тошкент Фармацевтика институтига ҳам ташир буюришди. Учрашувда шунингдек, Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган мусобақада бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритган Баҳодир Жалолов ва Ўзбекис-

тон халқ артисти Муқаддас Холиқова ҳам иштирок этди.

Тадбир қатнашчилари институт профессор ва ўқитувчилари томонидан тайёрланган қўлаб турдаги дори махсулотларининг кўргазмаси, шунингдек, чиройли хибонларни кўздан кечиришди. Айниқса, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос табиий мева-лар, полиз экинлари ва таомнамалар акс эттирилган кўргазма меҳмонларнинг эътиборини тортди.

Институтнинг катта спорт залида жаҳон чемпиони Баҳодир Жалолов ва институт талабалари ўртасида қизқарқил суҳбатлар бўлиб ўтди. Тошкент Фармацевтика институти ректори профессор Иброҳим Алимджанов барчани байрам билан табриқлади. Ўзвучилар уюшмаси томонидан институт кутубхонасига 150 дан ортиқ энг сара китоблар совға қилинди. Устоз ва мураббийлар ҳақида ўқилган шеърлар барчага манзур бўлди.

Анвар РАҲАБОВ,
Ўзбекистон Ўзвучилар уюшмаси
поликлиникаси бош шифокори

МЕХРИНГИЗ ДИЛЛАРГА ИЛҲОМ УЛАШАР

Мамлакатимизда кенг нишонланган “Ўқитувчи ва мураббийлар кунини” Ўзвучилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими, Уюшма қўшма “Ижод” жамоат фонди вилоят бўлими, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши вилоят минтақавий бўлими, таълим муассасалари ва харбий қисмлар билан биргаликда шодиёна қилди.

Жумладан, 1 октябрь кунини харбий қисмлардан бирида харбий хизмат фахрийлари шарафланди. Хар бир кунини йилларга татийдиган, ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлган харбий соҳада қадр ва обрў топган, эришган билим ва тажрибаларини бутун ёшларга улашайётган нафақадаги харбийлар Мудофаа вазирлиги томонидан тақдирланди.

Тадбир давомида устоз меҳри, Ватан, тинчлик мавзуларида ўқилган шеърлар, қўй-қўшиқлар байрамга файз бағишлади.

Доноҳол ЖУМАЕВА,
Ўзвучилар уюшмаси Сурхондарё
вилоят бўлими мутахассиси

ТИРИК САТРАП



Рухсора ОРИПОВА

И К К И Б Ў С А
лирик поэма

О, сен бўса! Ширин дер сани,
Ширинмасми, қалбдан томган бол?!
Сен ёшлиқнинг берган оқ йўли...
Севишганлар, топманг, деб завол.

О, илк бўса, сен маъсум кизга
Хижроними, айладинг тортки?!
Ха шу ерда... кутурган сувда...
Бўса сўнги... Накадар аччик!

Кизнинг қора, чилвир сочиға
Тўлқин – зарра ташлайди ҳазил.
Гоҳо ўйнаб, қўнар қошига
Қиз ҳам шўхчан, сув ҳам симоб дил.
Киз қўлларини чўзиб олдинга
Қапалакдай сувнинг зарин ҳам,
Тутар, сўнгра сепар ёрига,
Бекасамнинг эғни, бари нам...

Пуфак бўлиб отилган сувни
Тутмоқ бўлиб, қўлин чўзди киз.
Аммо бирдан, улкан тўлқиннинг
Қучоғида ўзин кўрди киз.
Тўлқин гирдоб бўлади гоҳо
Чинкиради қўйнида киздай.
Эвоҳ, кизни кутади шовва
Тўлқин эзар кизни кигиздай...

Ха, у сезади забардаст қўлни,
Сесканмади аввалгидай ҳам
Тўлқинларнинг тўсиб йўлини
Йигит кизни қучоқди бардам.
Ва сузди у кирғокқа томон,
Тўлқин эса шоввага томон
Қўллар кизни кирғокқа элтиди,
Эвоҳ, гирдоб йигитни ютди.
Ва чинкириб ўради белдан
Мадор кетди оёқдан, қўлдан
Тўлқин топи улкан қўшиғин –
Шовва... Тошлар солади шовкин
Сезмагандай киз чинкиригин...

О, сен бўса, биринчи бўса!
Аччик хижрон бўлдинг тузалмас.
Сен айбормас! Айбми, севса!..
Аммо сени хар бор эсласа
У мухлиш кун келар эсига
Мухлиш кунни эсласа, бўса...

У бўсани аччик атади
Аччик нечун ширин тотади.
Аччик деди йўқолди тинчи,
Севгисининг излаб илинжин
Сой бўйида киз кезди яккаш
Излар ором, излайди дилкаш.

Бувиси ҳам не дер кўз ёшга,
Не ҳам десин таскиндан бошқа...

Уч йил ўтди орадан учкур,
Уч кун каби туюлди кизга.
Унутсинми юлдузин ҳеч бир!
Кўз тутсинми бошқа юлдузга?!

Қалб буйруғин тарк этиб бўлмас,
Тарк эддингми қийнади виждон.
Яшаш аклин мавҳ этиб бўлмас,
Мавҳ эддингми, бас энди тамом.

Қиз қалбида шу фикр тугён
Қандай қилиб севсин бошқани?!
(Истар ёрин, халоскорини...)
Бувиси ҳам сўз очган кўп бор,
Бордир элнинг яхши-ёмони,
Оғзига эрк берган бир писмик
Деган эди бир йил ўтмасдан.
“Қачонгача ўрдак тутмасман
Қари бувим ёқтирмас ёстик”.

Анор узар анорюз қизлар
Қўла сават, қишлоқ боғида
Узук-юлук қулги ва сўзлар
Эшитилар хар ён, хар ёндан.
“Саман отми, гижинтой,
Гўзал йигит тўлкиной”
Лаблар енгил қулгига тўлар
Не учундир зум ўтмай сўнар.
Қизлар киприк остидан аста
Марзияга қараб қўйишар.
Анорларга тўлиб бир наstdа
Саватчалар ўтиб қўлма-қўл
Марзия ва Ҳамидга етар.
– Мана олинг, қайтарманг энди...
Ҳамид кизга узатар анор,
Сўнг хайлайди аврасини
Аввалгидан кўра шўх викор...

Киз. Қўзлари ёшга тўлди,
Ҳамид берган анор қўлида.
У анорга тикилди тубсиз,
Сўнг йигитнинг кетган йўлига.

Киз, барисин эслади бир-бир
Чилвир сочи ёзик кафтида.
Энди тўлқин зарраси эмас,
Кўз ёшлари қўнган кафтига...

– Марзия, мен келдим, Марзия...
Қиз сесканди: “Эҳе, қайдасиз”
У рашк этган севганимкан
Қўзғалдим руҳи... ё эвоҳ!
– Кўз ёшларим сен учун, эркам.
Оққуш каби мунгли, чекди оҳ.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири

Ҳамид ғамгин ўтирди ёнга,
Не ҳам десин ахир билади...
– Тугишгандай эдинг, дўстгинам
Мен сенчалик севолмасам ҳам,
Севгилигини асрарман, инон!
Деди... лаби секин титради.

Қиз қўзлари соф ва ғуборсиз,
Тўлкинлардан кўчди йигитга.
Кўз-қўзни, ха, тушунар сўзсиз,
Жой қолмади шубҳа – ўгитга.

Кўп турмади лаблар у холда,
Бир зум қалбдан сўзни аритди.
Яшин каби чакнаб, нур холда,
Тўлкиннинг ҳам қалбин ёритди.

– Кечикканим эшит, Марзия,
Йигит кизнинг силади сочин
Борган эдим дўстим қабрига,
Сен бундаю мен эса унда.
Дўстим учун тўқиди қалб ёшин...

Сувга сочин ёйиб мажнунтол,
Бепарводай, ишққа тўйгандай,
Бир қур орта қараб қўйгандай,
Икки ёшга оқ йўл дегандай,
Сўнг тўлқинга бош эгар хушхол...

О, сен бўса! Сени умрга
Атармизми мангу баҳорим...
Қиз ва йигит қабр устида
Айтишдилар юракда борин.

Бўсаларинг аччик эмас, киз,
Балки ора хижрони аччик.
Ҳеч бир обод аччик эмас, киз,
Балки унинг вайрони аччик.

Майли ата, у илк бўсангни,
Аччик!
Тўғри аччик хотирот
О, қанчалара севдинг ўшани,
Унинг ишқи, аччикмас, новот.

Гулзор яшнаб қабр устида
Ари эмар ширин болидан.
Ҳаёт ширин, бўсалар ширин
Икки ишқнинг бу баҳоридан!

1960 йил, Тошкент

Ойгул СУЮНДИҚОВА



Қузги варақлар

Куз. Ёмғирли осмон остида
Йўқотдим шеъримни, аслида
Дарахтлар ҳам мен каби ёлғиз
Тинглайдилар –
Согинчлар азиз...

Елкамга жимгина бош қўйди шамол,
Бағримни музлатиб ўтди айрилиқ.
Энг сўнгги барглarga ой сочар ҳаёл,
Мен ҳам тонгга довуз бедорман, нитик...

Йўлларда ўтмоқда – умрим йўлларда,
Варақлар тўқилди кузги йиллардан...

Харир оханглари тўқилган куз бу,
Юрак туб-тубига сингиган хис бу.

ЁМҒИРЛАРДА ЮВИЛГАН БОҒЛАР

Эртақлари кўчди тоғлар сингари,
Ёмғирда ювилган боғлар сингари.

Муаззам экан шу – энг қадим дунё,
Бакоси, фаноси бир одим дунё.
Киприк усти нури бир қатим дунё,
Қадимни қўтарган тик қадим дунё!

Ўзинг қанотим бўл, қуш каби, қушим,
Кенгликлар бағрида хушовоз сўзим.
Тонгги насимлардан нафас бер тиник,
Қуёшли кунлардан ҳавас бер ёник.

Ойдин кенгликларга мафтунман, мафтун,
Шивирлари майин, хушбўй ва мамун,
Саргашта еллардан сархушлар бу тун,
Тилла тангалардай сувларда сокин
Жимирлаб оқиди юлдуз шуъласи...

Қушлар тинч, мўйсафид чинорлар вазмин,
Вакт ўлчар бетиним йўлларим вазнин.
Шом тушиб келмоқда шу қадар енгил,
Туйғуларни нозик гуллайти қўнгил,
Сочларимда қумуш бахт ашуласи...

Тикиламан қўққа бепоён,
Ёйилади шом ҳиди майин.
Кипригимга саболар шоён
Қўйиб ўтар бир зум атайин.

Очилади оқ гулдай булут
Ё кемадай сузар хавода.
Сеҳрлайди ложувард сукут
Мени шундай улкан дунёда.

Эрта тонгдан сувларда зилол
Тиниб-тинмас лахзалар саси.

Товланади гўзал, бетимсол
Мен туғилган фасл шуъласи!

Қуёш ботар, кенглик, уфқлар
Ловуллайти оловли ранглар.
Ёлга тушган азиз қўшиқлар
Борлигинда, руҳда жаранглар.

Тугамайди бу ашулалар
Умрим бўйи қўнглимга маҳбуб.
Ой нурида очилар дафтар,
Йўллаяпман шамолга мактуб.

Тонг отмоқда, шу қадар гўзал,
Юрагимни тўлдириб хисга.
Қуёш нури сочмоқда зарҳал
Ғамларимни олис – олиста...

Тушда кўрсам отамини шодон,
Жаннатларда гул териб юрса.
Онам келса, қулиб, беармон,
Отам унга гулларни берса...

Гул баргида сайраса булбул,
Булоқларда тиник сув оқса.
Мен дунёни унутиб буткул
Учаётган қушларга боқсам...

Кипригимда товланса шабнам,
Шамолларда учса ғамларим.
Ёлга тушар отам ва онам,
Болалигим, ширин дамларим...

Тунлар қутиб яшаганмисиз
Болалиқнинг эртақларини?

Қўшиқ айта бошлаганмисиз
Тутиб илҳом этакларини?

Эслайсизми узун йўлларда
Болалиқнинг қайтмас палласин?
Кўрганмисиз хотир – йўллардан
Оқаётган она алласин!..

Қутганмисиз тонгин, сўнг юлдуз
Видоларин тўққан мунис чоғ?
Бу дунёга келди қай хуш кез
Сиз яратган энг чиройли боғ!..

Айтинг, айтинг, сизга ёққанми
Баҳорнинг илк шўх ёмғирлари?
Қалбингизга ойдайд боққанми
Мухаббатнинг дилбар сирлари...

Чин ёр эрур сизга қай фасл,
Япроқларга ишқ битган каби.
Мактуб йўлланг менга ҳам асл,
Юлдузларини дур этган каби.

Бу дунёни ўлчаб бўлмайди,
На қаричлаб, на бир қадамлаб.
Бу дунёда ўзи билмайди
Кимлигини қанча одамлар!..
Бу дунёнинг қами тўлмайди
Ховучласанг, томчилатсанг ҳам.
Бу дунёни ўзи билмайди –
Бу дунёга тўймайди одам!..

Остонада турибди – тун,
Ҳозир чиқиб кетади уйдан,
Шу кенг осмон, шу кенг борлиқдан
Рухимдаги титроқ сингари.

Остонада турибди – кун.
Ҳозир кириб келади уйга,
Шу кенг осмон, шу кенг борлиққа
Қўлимдаги япроқ сингари.

Ёмғирлардан тергил хонишини,
Ўрин қолмас дардли саволга.
Юлдузларга бергил ёнишини,
Тун ила тонг етсин висолга.

Еллар айтсин муаттар сўзлар,
Қўнгил нома битган саҳарга.
Турналарнинг тизими – изим,
Изларимни тутсин баҳорга.

Балки бир кун битар бу дoston,
Балки битмас ўлимдан сўнг ҳам.
Йўқ нимадир? Сўрама ҳеч он,
У – бахт чоғи эриб кетар ғам...

Қувониб қут эртанги кунни,
У қудратли хар қандай сўздан.
Шивирлаган ёмғирли туннинг
Изи ўча бошлайди қўздан.

Дарахтларда – умр хонишини,
Бу қучоқда орзу билан ён.
Хар қаламда – Вактнинг ёниши,
Кўз ўнгингда отаётир тонг.

Қорға айлан, ёмғирга айлан,
Шамол-ла ел, қуёш билан қул.
Гўзал севинч ва нурга айлан,
Шу тупроқда ўсган бир гул бўл.

Алишер Навоий газалларига шарҳ ёзиш навоийшуносликнинг бир йўналиши сифатида ривожланиб бормоқда. Шорихлар сафи ҳам кўпайиши кўзонарли ҳол, албатта. Чунки, биринчидан, Навоий газалиёти тобора кенгроқ қамровда тадқиқ этилади, иккинчидан, ёндашув ва услубнинг кўпчилиги шарҳлар ранг-баранглигини таъминлайди.

Мана шундай ўзига хос шарҳлари билан бир неча йилдан буён матбуотда иштирок этаётган олимларимиздан бири Манзар Абдулхайровдир. Унинг шарҳларида навоийхонлар учун фойдали томонлар кўп. Манзар ўзбек мумтоз адабиётини тушуниш учун жуда зарур бўлган форс, араб тилларини билади, кўлэзма манбалар билан ишлади. Бу эса мумтоз адабиётнинг чинакам нозик маъноларини китобхонларга етказиб беришда асқотади. Олим илмий тадқиқотларида газалларини шарҳлашни мумтоз асарлар матнларини ўрганишнинг бир усули сифатида қарайди. Яъни бу газалларни шарҳлаш жараёнида уларнинг ҳар бир ҳарфидан образлари, ғояларига адабиётшуносликнинг энг бирламчи ва синчков йўналиши – матншунослик нуқтаи назаридан ёндашиш демакдир.

Тахлиллардаги хусусиятлардан яна бири шуки, муаллиф бадий асар шарҳига тилшунос, лексикограф, яъни лугатшунос сифатида ҳам ёндашади. Бундай ёндашувга ҳам у бадий асар матнини тадқиқ этишнинг ўзига хос бир усули сифатида қарайди. Табиийки, ушбу мақсад ҳар бир лирик шеър зимнидаги сўз бойлигининг маъно қирраларини очиб бериш, бошқача айтганда, ғазал лугавий таркибининг маъини чақишни тақозо этади. Манзар бу борадаги илмий тадқиқотларининг маҳсули сифатида “Навоий асарларининг изохли лугати” номли бир лугат яратишга ҳам муваффақ бўлди. Зеро, ғазал тахлили, аввало, сўзшунослик, нуктабинлик, сўзнинг маъно микёсларини тўлиқ идрок этиш ҳам демакдир. Манзарнинг ғазал шарҳлари мана шу жиҳатлари билан навоийхонларга манзур бўлиши мумкин.

Биз юқорида тадқиқотчининг истеъдодидаги имкониятлар ҳақида фикр юритдик. Бироқ унинг тахлилларида айрим нуқсонлар ҳам кўзга ташланма тарафлари, улар ўзида мавжуд салоҳиятини тўлиқ ишга сола олмаётганидан далолат беради. Шу маънода биз шорихнинг “Оразин ёпқач – кўзумдин...” (“ЎзАС”, 2019, 19 апрель) сарлавҳали шарҳига тахлилий ёндашишни жоиз деб топдик.

Шарҳга Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан бири, малик ул-калом мавлоно Лутфийнинг лутфига сазовор бўлган “Оразин ёпқач кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш...” бошланмали ғазали асос қилиб олинган. Ҳозиргача бир неча шарҳи элга машҳур бўлган бу ғазалии МАБ-дулхайров янгича талкин этишга ҳаракат қилган. У талкин давомда айрим муваффақиятларга эришган ҳам. Ғазал мазмун-моҳиятини асосан тўғри ва батафсил ёритиб берган. Лекин олим ғазал матни мазмунидан четта чиқиб кетиш, асарда йўқ нарсаларни тўқиб чиқариб талкин этиш, тушунарсиз, мавҳум жумалар тузиш каби қусурларга йўл қўйган.

Ҳозирги кунда Навоий ғазалларини шарҳлашда ҳар бир тасвир ва образни

сунъий равишда тасаввуфга боғлаш таъминлайди. Бу эса мумтоз адабиётнинг чинакам нозик маъноларини китобхонларга етказиб беришда асқотади. Олим илмий тадқиқотларида газалларини шарҳлашни мумтоз асарлар матнларини ўрганишнинг бир усули сифатида қарайди. Яъни бу газалларни шарҳлаш жараёнида уларнинг ҳар бир ҳарфидан образлари, ғояларига адабиётшуносликнинг энг бирламчи ва синчков йўналиши – матншунослик нуқтаи назаридан ёндашиш демакдир.

М. Абдулхайров тахлилларида “мажозий”, “ботин”, “ботиний” сўзларини кўп ишлатишни яхши кўради. Шу мақола-нинг ўзида “ботин” сўзини алоҳида ҳолатда икки марта, “ботиний-рамзий”, “ботиний ишоралар”, “ботиний-рухий”, “ботиний рамз”, “ботиний маъно-мазмун”, “ботиний бир сас”, “ботиний боғлиқлик” иборалари таркибидан етти марта – жами тўққиз марта қўллаган. Одатда, илмий аниқликка кучи етмайдиган тадқиқотчилар шунақа сўз-иборатлар билан ўз талкинларини хаспўшашади. “Бо-

ИЛМИЙ ВА ИШОНАРЛИ ТАҲЛИЛ ЗАРУР

тин” – нима ўзи? Аслида, ўша ботинни очиб бериш шарҳнинг вазифаси эмасми? “Ботиний ишора” – нима? “Ўта нозиктаб ботиний-рухий ҳаракат зайли” – нима? Бунақа жимжимадор гаплар билан ғазал тилсимини очиб бериб бўладими? Ғазал шарҳида матнда мавжуд мазмун ва тасвири ёритиш билан киёфланиш, ор-тиқча тўқимақа ружу қўямаслик маъкул. М. Абдулхайров биринчи байтнинг мазмунини ёритганидан сўнг шундай ружуга берилади: “Бунда яна шундай ботиний рамз бор. Зеро, ёлғизлик Оллохнинг хос кишиларини қамолотга, яъни олий мақсад сари етаклайди. Бу тарзда башарият беҳад фойда кўради. Илло, доимо киши ёруғлигининг қадрига етасермаганидай, у ғойиб бўлиши билан, у ҳақда ўйлай бошлайди. Аниқроғи, бунда шоир кўпроқ тасаввуфдаги солиқнинг тафрид, тажриб ҳолатини назарда тутган”. Афсуски, байтда бундай маъно кўзга тутилмаган. Бу – уйдирма талкин.

Ғазалда “новак” сўзи “ўқ”, “камон ўқи”, “киприк” маъноларида қўлланган. Аммо шорих бу маънолар тахлили билан қаноатланмади. Сўзнинг бадий маънодан буткул узок бошқа шаклдошини ҳам зўрақилик билан шарҳга татбиқ этишга уринади: “...“новак” сўзининг ая бир шаклдоши ёки маъноси бор, — деб ёздади у. — Яъни у ичи ковак ёғоч бўлиб, қадимда

кишилар ундан тарнов сифатида фойдаланганлар. Улуғ шоир бундан олдинги байтдаги бадий кайфиятни ушбу байтда янада ривожлантириб, ёрнинг лабидида “оби ҳаёт”дан баҳрамандлик лабимга етмас-да, аммо у киприк ўқидан гўё тарнов мисоли кўнгилга ўша “оби ҳаёт”нинг қўйилишига ишора қилган...”. Матн мазмунига боғланса-боғланмаса, шаклдош сўзларни шарҳга мажбурлаб киритавериш керакми? Қандай қилиб киприк ўқини

НАВОИЙХОНЛИК

тарновга ўхшатиш мумкин? Бундан нима наф бор? Янада кизикроғи, хозиргина илоҳий ишқини тавсифлаб турган киши, дарҳол “ёр лабидидаги “оби ҳаёт”дан баҳрамандлик”дан лоф уради-я!

Куйидаги сатрларга эътибор беринг: **Умри жовид истасанг, фард ўлки, бўстон хизриду Сарвким, даъб айлади озодалиг бирла маош.**

Шорих “Бу байтдаги энг характерли тимсол Хизрдир”, деган фикрни илгари суради ва Хизр пайғамбарни тавсифлаб кетади. Холбуки, Хизр бу ўринда етакчи образ эмас, балки кўмакичи образдир. У

лик фалсафасини ва бўйдоқ ўтганлиги сабабини шу байт тахлилда камина ўз шарҳида етарли изохлаганман (Қаранг: “Лутфийнинг лутфига сазовор”. Н.Жумахўжа. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Т., “Ўқитувчи”, 1996. 103-108-бетлар).

Хизр алайҳиссалом ҳам рухий ёлғизлик гаштини сурмаган. У ҳам ҳаминча одамлар орасида. Халқ оғзаки ижодида “Хар тун кўрсанг – Қадр бил, хар ким кўрсанг – Хизр бил”, “Еттининг бири — Хизр” деган мақоллар бор. Ушбу нақлларнинг маъноси шуки, хар бир тунни “Лайлат ул-қадр” кечасидек ганимат билиб, мазмунли ўтказ. Хар учраган одамни эъзола, зотан, Хизр одамлар орасида юради, етти кишидан бири Хизр бўлиб чиқиши мумкин, агар Худо ёрлақаб Хизрга йўлиқиб қолган бўлсанг, бир нарсалик бўласан.

“Сарвким, даъб айлади озодалиг бирла маош” мисраси мазмунини “бу дарахт ўз умрини озодалик билан ўтказишга одатланган”, дея баён этиш – шарҳ эмас. Чунки Навоий тилидаги “озодалиг” хозирги ўзбек тилидаги “озодалик” сўзи билан бир хил маънони англатмайди. Навоий “озодалиг” деганда сарв дарахтининг бўйдоқ (кискача этимологияси – “бўйи ток”), озод, эркин, адл қоматини назарда тутган. Навоий кўп ҳолларда уни “сарви озод”, “сарви боло” (бўйи баянд дарахт) иборалари воситасида ифодалайди. Ҳозирги ўзбек тилида эса “озодалик” – тозаллик маъносини билдиради.

Мақола бошидаги мана бу жумлалар ҳам илм талабларига жавоб бермайди: “Алишер Навоийнинг хар бир ошкона руҳда ёзилган ғазали замирида ошқининг сурату сийрати ва ботиний ҳазинлиги мунаққаш этилган. Улуғ шоир асарларидаги бундай ғазалар зоҳирий ва ботиний бадий кайфият уйғунлигининг маҳсули бўлиб, уларнинг аксари ҳасби ҳол руҳида ёзилган”. Бундаги фикр Навоий ҳаёти ва ижодиёти тўғрисидаги маълумотларга тўғри келмайди. Навоийнинг хар бир ошкона ғазалида ботиний ҳазинлик бор эмас. Навоий асарлари ва шахсиятини фақат мунгли, ҳазин кўрсатиш одат бўлиб қолди. Бу – бирёклама талкин. Ҳақиқат бундай эмас. Навоийнинг шўх-шан, ўйноқи, ҳаётбахш, келажакка ишонч руҳи билан сугорилган лирик асарлари ҳам кўп. Масалан, “Ўтган кеча мен эрдиму ул сийман эрди, Гулпан тўрида масканимиз бир чаман эрди” бошланмали ғазали фикри-мизнинг яққол далилидир. Навоий лирик асарларининг “аксари ҳасби ҳол руҳида ёзилган” ҳам эмас. Айниқса, тахлил этилган ғазал. Аксинча, Навоий ғазалиётининг миқдорига нисбатан олинганда, у ёлғиз уч мингдан ортқ ғазал орасида ҳасби ҳол руҳида ёзилган асар жуда кам. Шунинг учун ҳам Навоийнинг шахсий ҳаёти ҳақида ҳам маълумот етиб келган. Шунинг учун ҳам Навоийнинг илмий таржimai ҳолини навоийшунослик ҳануз бутун қила олмапти. Ғазал шарҳида хар бир сўз, жумла маълумот ташвир экан, бу маълумот ҳаққоний ва ишончли бўлиши лозим.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИ

Туркман адабиётининг ишрик вақилларидан бири Берди Кербобоев ўзининг ёзувчилик фаолиятида жасхон адабиётининг номдор ижодкорлар қаторида Абдулла Қодирий романларининг аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида мамнуният билан ёздади: “Ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан қулар”ини, “Меҳробдан чаён”ини ўқиб, улардан ибрат олмасдан “Дадил қадам”ни бошлаш олмаган бўлардим”.

Қодирий ва туркман романчилиги

А.Қодирий романлари ҳақидаги бундай фикрларни қўллаб келтириш мумкин. Дарҳақиқат, ёзувчининг романлари Марказий Осиёда қозоқ, туркман, тожик, киргиз, қорақалпоқ адабиётларида роман жанрининг пайдо бўлиши ва юксалишида ибрат мактаби вазифасини ўтагани илмий исботланган ҳақиқат.

Маълумки, ўтган асрнинг 20 — 30-йилларида Тошкент Марказий Осиёнинг илм — маърифат ўқоқларидан бири бўлган. Бир қатор туркман шоир ва ёзувчилари Тошкентдаги турли ўрта махсус ва олий ўқув юртиларида тахсил олишган. Йиллар ўтиб туркман адабиётининг атоқли ижодкорлари бўлиб етишган Отагон Дурдиев, Нурмурад Сарихонов, Ота Қошутов, Хўнафаас Чориев, Хидир Деряев, Ота Ниёзов, Берди Султонниёзовнинг бадий адабиётга кизиқиши, ижоддаги биринчи қадамлари Тошкентдан бошланган, десак хато бўлмас. Ўша йиллар А.Қодирий романлари халқимиз орасида жуда оммалашган давр эди. Бу романлар ўзбек заминиде тахсил олиб юрган туркман шоир ва ёзувчилари назаридан четда қолмаган. Айниқса, Хидир Деряевнинг кейинчалик катта ёзувчи бўлиб танилишига ўзбек адабий муҳитининг роли гоё муҳимдир. Тошкент ҳаёти Х.Деряев тақдирини унутилмас саҳифалар бўлиб қолганини ёзувчи ҳаминча фахр ва ғурур билан хотирлайди. Тошкент тахсил, бу ердаги адабий муҳит унинг учун жуда омадли бўлди. Бу таъсир ҳақида ёзувчининг ўзи шундай ёздади: “Мен САГУнинг Шарқшунослик факультетини 1931 йилда тамомладим. Менда ўзбек романчилигига кизиқиш университетда ўқиб юрган кезларимдан бошланган. Ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан қулар”, “Меҳробдан чаён” романлари менда бир умрга унутилмас таъсир қолдирди ва менга илхом бағишлади. Шу илхом ва таъсир натижасида менда ҳам ўғтишдан бир роман ёсасам бўлмайди, деган фикр туғилди. Бу фикр Тошкентда ўқиб юрган кезларимда ҳам, Ашхоболда ишга келганимдан кейин ҳам менга тинччилик бермади”.

Ўтган аср 70-йиллари аввалида “Ўткан қулар” ва “Қисмат” романлари киёсий тахлилга бағишланган номзодлик ишм мавзуси юзасидан Ашхоболда бориш ва Хидир Деряев билан мулоқот қилиш зарурати туғилди. Бу йилларда Х.Деряев Туркманистон ёзувчилар уюшмаси раисининг ўринбосари вазифасида ишлаётган эди. Мақсадимни айтганида хоҳлаган пайтда мени қабул қилишни, саволларимга тўла-тўқис жавоб беришни айтди. Мени кўпроқ “Қисмат” романининг ижодий тарихи қизиқтирарди. Бу масала билан кизиқиб сўраганимда Хидир оға романга асос бўлган икки аёлининг аччиқ тақдирини билан боғлиқ ҳаётини воқеани гапириб берган эди.

Роман 1937 йилда “Қонли панжадан” деган ном билан босилди. Бироқ роман босмақондан ташқарига чиқарилмайди, ўша жойининг ўзида йўқ қилиниб, ёзувчининг ўзи эса узок муддатга қамалди. Х.Деряев қариб йигирма йил қамоқда ўтириб, 1957 йилда озодликка чиқди. Х.Деряев қамоқдан қелгандан сўнг “Қонли панжадан”ни қайта ишлаб, 1960 йили “Иқбол” (“Қисмат”) номи билан нашр қилди. 1962 йилда унинг иккинчи қисмиди ёздади. Шундай қилиб, А.Қодирий романларидан илхомланиб ёзилган бу асар туркман романчилигида пойдевор вазифасини ўтайди.

Х.Деряев ўзбек ёзувчиси романларидан қанча илхомланиб тасвирланмасин, ўз бадий услубини яратишга эришди. Романлар ҳаёт материали жиҳатидан фарқ қилади, давр ҳам, тасвир объекти ҳам бошқа-бошқа. А.Қодирий романларида XIX аср биринчи ярмидаги ўзбек ҳаёти тасвирланса, Х.Деряев романида XX асрнинг бошларидаги ижтимоий-сиёсий муҳит, халқнинг миллий ўзлигини англаш босқичлари туркман ҳаёти мисолида ёритилди. А.Қодирий романларидаги Отабек ва Қумуш, Ашхоб ва Раъно образлари билан “Қисмат”даги Ўзукжамол ва Берди образлари ўртасида баъзи умумийликлар бўлса-да, улар асло бир-бирини таққорламайди, хар бири ўзига хос бадий кашфиёт, уларнинг миллий замини, миллий характер қирралари талқини ўзгача.

Туркман адиби романи ёзиш жараёнида хотин-қизлар тақдирини, уларнинг оғир шаронгтаги турмушини ва бошига тушган қуфатларини бўрттириброк кўрсатишга интилагани кўринади. Романининг биринчи варианты “Қонли панжадан”, қайта ишланган иккинчи нусхаси “Қисмат” деб номланиши бежиз эмас. Чунки роман марказида аёл тақдирини, Ўзукжамол қисмати туради. Ўзукжамол, аёллар ҳаёти тасвирида балки А.Қодирий таллаган йўлидан юрмадимкан, деган фикр кўнгилдан ўтади. Х.Деряевнинг “Қўнгил қўнгилдан сув ичади” номли мақоласида келтирилган қуйидаги фикрдан сўнг бу мулоҳазага ишончимиз янада ортади: “Абдулла Қодирийнинг “Ўткан қулар”, “Меҳробдан чаён” романининг бош қаҳрамонлари Қумуш, Раънога ўхшаган ўзбек қизлари бошдан кечирган қийинчиликлар туркман қизларининг бошдан ҳам кечган-ку! Шундай мавзуда туркман хотин-қизларининг ҳаётидан ҳам асарлар ёзиш мумкин-ку, деган фикр қалбимга сингиб қолганди. Ана шу таъсир натижасида “Қонли панжадан” деган роман ёздим...”

Гарчи Х.Деряев бу мавзунинг ёритишда ҳам ўзбек ёзувчиси тақдир қилмаган бўлса-да, бир ҳақиқатини айтиб ўтиш керакки, “Қисмат” романидаги баъзи хотин-қизлар образи талқинида “Ўткан қулар”, “Меҳробдан чаён” романлари яқинлик бор. Масалан, “Қисмат” романидаги Ўғилнозиқнинг ўқиш, ёзишни билиши, адабиётга ҳавасмандлиги “Меҳробдан чаён”даги Раънони эслатади. Ёки “Қисмат”даги Ўзукжамол ва Берди муҳаббатини поймол қилишга уринган маккор Энақутининг ҳаракатлари “Ўткан қулар” романидаги Жаннат кампирнинг Отабек ва Қумуш оиласини бузиш учун уюштирган хийла-найрангларига ўхшаб кетади. Икки романтика менда ҳам айрим образларни ўзаро боғлаб турадиган диққатга сазовор яна бир мисола эътиборингизни қаратмоқчиман. “Қисмат” романидаги Субҳон ҳасис образи кўп ҳусусиятлари билан “Меҳробдан чаён”даги Солих маҳдум образини ёлга солади. Субҳон ҳасиснинг бой бўлса-да, ўта тежамкорлиги чиндан ҳам Солих маҳдумга жуда-жуда ўхшайди.

Хар қилиб ёзувчи романларини ўзаро боғлаб турадиган бир омил бор. Бу ўзбек ва туркман ҳаётидаги ижтимоий-тарихий шароитнинг ўхшашлиги, халқлар тақдирининг туташлиги, турмуш тарзи ва урф-одатларининг умумийлигидир. Узок ва яқин ўтмишда ҳам бу халқлар бир дарёдан сув ичиб яшаган, ҳамма жабҳаларда ҳамдардлу ҳамнафас бўлган. А.Қодирий ҳам, Х.Деряев ҳам ўз халқи ҳаётидан мавзу танлаганда, табиийки, бу тақдирдошликни инобатга олиб қалам тебратган. Шундай экан, романларни қиёслаганда ижодий таъсир белгиларини кўрсатиш билан бирга, асарлар биринчи навбатда, у ёки бу халқнинг турмуш шаронгига таяниб ёзилганини ҳам унутмаслик лозим. Бу эса хар бир ёзувчининг ижодий ўзига хослигини аниқлашдаги бош мезондир.

1967 йилда Х.Деряев романининг биринчи қисми таниқли ёзувчи Пиримқул Қодиоров томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. 1972 йилда романининг иккинчи қисми ҳам шу адибимиз томонидан ўзбекча-лаштирилиб, қатта нусхаларда нашр этилди. Роман асосида Ўзбекистон телевидениеси уч қисмдан иборат “Қисмат” номли телеспектакль яратди. Асар нафақат томошабинлар, ўзбек китобхонларида ҳам қатта қизиқиш уйғотди, ёзувчининг ўзбек адабиётига янада яқинлаштирди.

Сўз якунида айтиш керакки, буюк ёзувчи А.Қодирий романлари таъсирида қарлош туркман адабиётининг тўғич романи яратилди. Кейинчалик, Б.Сейтаков, Б.Худайназаров, Қ.Қулиев, О.Тоғон, Т.Жумағелдиев ва бошқа ёзувчилар роман жанрининг ажойиб намуналарини яратиб туркман адабиётини бойитди. Бу жараёнда А.Қодирийнинг романичилик тажрибаси, маҳорати бир вақтлар қарлош адабиёт намояндалари учун намуна бўлгани биз учун фахрлидир.

Қаримбой ҚУРАМБОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Нукус

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди ўз фидокорона меҳнатлари, илму иктидорлари билан мўъжизалар яратётган замондошларимиз, бунёдкор юртдошларимизга бағишланган бир қатор шеърини, насрий ҳамда публицистик асарларни “Адиб ва жамият” руқнида чоғ этиш бўйича наشريётлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб ўн кун.

КИТОБЛАРНИНГ НАШР КЎРСАТКИЧЛАРИ:

1. “Сайхун саболари” (шеърини антология)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 372 бет
Адади: 2000 нусха.
2. “Сирдарё мавжлари” (насрий антология)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 278 бет
Адади: 2000 нусха.
3. “Сирдарёдаги улугвор ўзгаришлар” (публицистик мақолалар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 160 бет
Адади: 2000 нусха.
4. “Ватан учун яшайлик” (публицистик мақолалар)

Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 470 бет
Адади: 2000 нусха.

5. “Воды бесценный дар” (Альманах)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 164 бет
Адади: 2000 нусха.

6. Чулпан “Мгновения любви” (шеърлар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 76 бет
Адади: 2000 нусха.

7. Собир Ўнар “Олдинда ёнган чирок” (бадиалар, адабий суҳбатлар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 348 бет
Адади: 2000 нусха.

8. Нортўхта Қилич “Тантана” (қиссалар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 348 бет
Адади: 2000 нусха.

9. Ўрол Ўтаев “Ижодхонадаги гурунлар” (бадиалар, адабий суҳбатлар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 348 бет
Адади: 2000 нусха.

10. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.

11. Абдураҳим Азим “Тонг табассуми” (шеърлар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.
Ҳажми: 248 бет
Адади: 2000 нусха.

рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 164 бет
Адади: 2000 нусха.

10. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.

11. Абдураҳим Азим “Тонг табассуми” (шеърлар)
Бичими: 84x108, 1/32, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда.
Ҳажми: 248 бет
Адади: 2000 нусха.

12. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.


13. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.

14. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.

15. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қоғозда. “Cambria” гарнитураси. 11,5 шрифтда
Ҳажми: 352 бет
Адади: 2000 нусха.

16. Махтумқули “Ошиқлар Ҳақ ишқинда” (ғазаллар)
Бичими: 70x100, 1/16, қаттиқ муковада, форзац рангли, матн оқ-қора рангли ва 70-80 гр.офсет қо

Ўтган асрнинг элгизинчи-олтмишинчи йилларида Тошкент шаҳрида, оддий ишчи Абдуҳамид ота ва уй бекаси Муборахсон ая оиласида камол топган етти фарзанднинг беинчиси Ҳожиакбар Ҳамидов орзу-хавасли ўсмирлик йилларини кўп эслади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр, ота-онанинг топгани ейи-ичишдан ортмайдиган, бориға шукр қилиб яшайдиган замон. Ука акасининг, сингли опасининг кийимини кийиб, бири иккинчисининг этагини тутиб яшаган пайтларда орзу-умидларига етишиши осон кечмаган. Шундай кунларда ёш Ҳожиакбарнинг дилида қўшиқ айтишга иштиёқ пайдо бўлди. Ҳ.Ҳамидовнинг санъатга ишқи тушган илк даври ҳақида таниқли ёзувчи Ўткир Ҳошимов шундай ёзган эди: “Бу гапларга анча бўлди, ўстирин эдик. Кунлардан бир кун қадрдон дўстим, синфдошим Абдувоҳидларникига кирдик. Қорачадан келган, озгингина бир бола тут соясида ўтирибди. Қўлида икки учидоғи михларга сим тортилган тахточа, ийгитча ўша симни тингиллатиш билан овора.



УМР ИБРАТИ

ҚўШИҚ ~ ҚАЛБ МУРАББИЙСИ

— Нима қилиясан? — кизикиб савол бердим.

— Рубоб чалаяман, — мамнун жилмайди у.

Ўша болакай Абдувоҳид ошнамнинг укаси Ҳожиакбар эди.

Чанкаган инсон ташналигини қондириш учун бир томчи сув илинжида сахро кезгани мисол Ҳожиакбар ака ҳам куй-қўшиққа бўлган қалб эҳтиёжини қаноатлантириш учун тинмай изланди. Гоҳ маҳалла-қўйда, гоҳ мактабда ўзи тенги хавасмандлар даясини топди. Айниқса, Тошкент шаҳридаги 4-мактаб-интернатда таҳсил олган кезлари том маънода мусиқа чолгуларини чалишни ўрганиш бахтига мужассар бўлгани, шубҳасиз, унинг ҳаёт йўлини белгилаб берганди. Болалигидан ҳамма фанлардан “аъло” баҳоларга ўқиган Ҳожиакбар Ҳамидов кўпроқ тарих фанини яхши кўрар, дунёнинг пайдо бўлишдан тортиб, инсон яратилари тарихигача бўлган даврга кизикиб унинг фикру ўйини камраб олганди.

Устоз ўша дамларни шундай эслади:

— Эсимда, 1964 йил эди. Акам теле-визор сотиб олди. Кейин, эскирок бўлса-да, “Днепр-11” русумли магнитофон олди. Ўзимга ёққан қўшиқларни ёзиб ола бошладим. Кўпчилик хаваскор қўшиқчилар каби дастлабки устозим магнитофон бўлган. Берилиб қўшиқ айтганимни эшитганлар овозинг Фахриддин Умаровникига ўхшар экан, дейишарди. Ҳаяжондан юрагим хаприкчи кетар, устозин бир марта қўриш, маслаҳатини олиш истаги тинчлик бермасди.

Ҳожиакбар ака 1967-1973 йилларда Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) Тарих факультетининг кечки бўлимида ўқиб, тарихчи ихтисослигига эга бўлди. Ўша кунларни устоз Ўткир Ҳошимов шундай эслаганди: “Ҳожиакбар Ҳамидов талабалик кезлари ТошДУнинг “Дилнавоз” дастасида фаол катнашди, дорилфунундаги оммавий тадбирларнинг бирортаси узил ўтмасди. Ҳожиакбар ўзи яратган илк қўшиғи — “Бўстонларим бор” билан сахнага чиққанида эндигина йигирмага қирган йигитча эди. У ўша йиллари Фахриддин Умаров хузурига бори ва машхур хофизнинг назарига тушиб, садокатли шогирдига айланди.”

Спектакль томошаси давомида залда ўтирган томошабиннинг рўмолчаси билан қўзғалган артиб қўйётганини ҳаммаша ҳам кўравермайсиз. Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган Татаристон Республикаси Буа театри томошаси давомида шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Ўзининг 101 йиллик фаолияти давомида юртимизда илк бор спектакль намойиш этаётган, Рамил Садриев бошқараётган бу жамоани республика театрларининг лабораторияси дейиш мумкин.

— Бугунги томошабин ниҳоятда талабчан, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Миллий театр директори Фатхулло Маъсудов. — Уни унча-бунча янгилик билан хайратда қолдириш мушкул. Лекин татаристонлик ҳамкасбларимиз бунинг уйдасидан чиқибди. Буа театри жамоасининг ушбу сафари ўзаро ҳамкорлигимизнинг ёрқин саҳифаси бўлди. Бундай дўстона учрашувлар Ўзбекистон ва Татаристон Президентларининг ҳар икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасидир.

2007 йили профессор Рамил Садриев томонидан қайта тикланган

Бу тарихий воқеа шундай бўлган. Ўша пайтда “Свердлов” номи билан машхур бўлган концерт залида Фахриддин Умаров концерт бераётган эмиш, деган хабарни эшитган Ҳ.Ҳамидов концертга тушади ва қалбидоғи иштиёқ устунлик қилиб, сахна ортига ўтишга муваффақ бўлади. Томошабинлар истикболга отланиб турган Фахриддин Умаровга юзланиб, ўзини таништиради. “Эй, Ҳожиакбар деганлари сенминдиг, эшиттишимча, яхшигина овозинг бор экан. Эртага уйга ўт, бир эшитиб кўрай-чи”, дейди устоз. Шу-шу бу икки соҳир овоз эгалари устоз-шогирдлик аънаваларини жойига қўйиб, эл ардоғига лойик бўлдилар.

Албатта, асосий мақсадимиз тарихчи ва санъаткорнинг ҳаёт йўли ҳақида батафсил хикоя қилиш эмас. Айни пайтда ҳурматли хофиз тарих фанлари доктори, профессор сифатида халқимиз фарзандлари тарбияси билан машғул. Мамлакатимиз мустақиллиги мазмун-моҳияти, кадр-қиммати, эришяётган ютуқларимизнинг фаол тарғиботчиси сифатида доим хизматга тайёр зиёлиларимиздан бири. 1997 йили “Ўзбек аънавий қўшиқчилик маданияти тарихи (қадимги даврлардан ҳозиргача)” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаб, тарих фанлари доктори илмий даражасини олган. 1999 йили “Ўзбекистон Республикаси олий таълим аълочилиси” унвонига эга бўлган. Ўзбек миллий қўшиқчилиги тарихи ва ривожини ёритишга доир ўндан зиёд монография, ўқув қўлланма, рисола ва етмишга яқин илмий ҳамда санъат тарихига оид мақолалар чоп этган.

Бу ерда гап, асосан, истеъдод тарбияси ҳақида. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида элга танилган Шерали Жўраев, Ортик Отажонов, Хайрулла Лутфуллаев каби кўплаб санъаткорлар қаторида Ҳожиакбар Ҳамидов ҳам қўшиқ ижрочилигида нафакат овози, балки сахна маданияти билан ҳам ажралиб турарди. Устоз ўзбек миллий қўшиқчилиги ривож ва тарихоти йўлида ярим асрдан буён ҳалол хизмат қилиб келаётди. Бугунги кунда унинг репертуари асосан халқ ва мумтоз қўшиқлар, Ватан, ёшлик, соф муҳаббат, панд-насихат, дўстлик, садокат, ота-она қадри, тарбия каби турли мавзулардаги қўшиқлардан иборат. Ўзбекистон радиоси фонотекасида юзга яқин қўшиғи олтин фондда сақланмоқда.

мазкур театр дастлаб халқ театри сифатида фаолият юритди. Кейинчалик Татаристон Республикасининг “Буа давлат драматик театри” расмий мақомига эга бўлди. Бугун театр, ҳатто танқидчиларни ҳам лол қолдиришга қодир мустаҳкам концепциясига, йўналишига, истеъдодли жамоаси ва ўз то-

Фахриддин Умаровдек санъаткордан бир умр қўшиқчилик санъатининг сир-асрорларини ўрганиб, устоз услубини айнан такрорламай, ўзига хос мактаб яратиш унгагина насиб этди, десак хато бўлмайди. Унинг Абдулла Орипов сўзи билан айтиладиган биргина “Кетмоқдаман” қўшиғини эслайлик. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида айнан шу қўшиқ унинг сахнадаги келгуси йўлини белгилаб берди. “Кечир мени, кечир, кароқўз”, “Онажоним”, “Нозинг ўзгача”, “Кўргим келур”, “Эй, ёшлигим, тарк этма мени” каби мухлислар мириқиб тинглайдиган қўшиқлари сони икки юздан зиёд.

Ҳ.Ҳамидов республика, вилоятлар, шаҳар, қишлоқлар микросидаги кўплаб тадбирларда, оммавий сайлларда, хайрия концертларда, ижодий учрашуларда санъати билан фаол иштирок этиб келмоқда. Унинг Франция, Германия, Хиндистон, АҚШ, Туркия, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклар, Австралия, Чехия, Исроил, Швейцария, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон каби кўплаб хорижий давлатларда ҳам мухлислари талайгина.

“Ўзбектеелефильм” киностудияси, Ўзбекистон телевидениеси томонидан Ҳ.Ҳамидовнинг илмий ва ижодий фаолияти ҳақида ишланган фильмлар томошабинлар томонидан самимий кутиб олинган. Илмий педагогик ва санъат йўналишида устоз-шогирдлик аънаваларини сақлаб келаётган фидойи инсонинг Нурилла Шарипов, Миробид Миролмов, Алижон Тожибоев, Акмал Файзуллаев, Толиб Ҳожиниёзов каби ўнлаб шогирдлари бугунги кунда мухлислар эътиборини қозониб, устоз қаторида эълан юрт хизматига. Ўзи билан суҳбатлашсангиз, бугун юртимизда истеъдодлар учун яратилган шароитлар, айниқса, мақом санъатига, миллий қўшиқчилигимизга берилаётган юксак эътибордан қўнгли тоғдек қўтарилаётгани ҳақида фахр билан сўзлайди. “Маромига етказиб ижро этилган ҳар қандай қўшиқ қалбни тарбиялайди. Одамнинг эстетик дилини ўстиради, ҳаётга муҳаббатини оширади, улугъ яратилган сари чорлайди”, дейди устоз. Бу чин ҳақиқат. Яхши қўшиқ — дил озиғи, рухият тарбиячиси.

Анвар ТИЛЛАЕВ

САҲНАДА БУА ТЕАТРИ



мошабинларига эга. Айни пайтда театр жаҳон театр оламида ҳам ўз ўрнини топи, десак муболага бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва Театр арбоблари уюшмаси номидан жамоага миннатдорлик билдир-

бетақор ижролари, санъатта садокатингиз бизни лол қолдирди. Ўйлайманки, бу каби учрашувлар, ўзаро ижодий мулоқотлар мунтазамлик касб этади”.

Буа театри жамоасига, шахсан Рамил Садриев ва директор ўринбосари

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири

ЖАЙХУН ШАМОЛЛАРИ

Отажон Худойшукрговга

Қайда юрсам соғинтирар
Она юртим томонлари.
Хаёлимда сахар-сахар,
Эсар Жайхун шамоллари.

Атиргул териб чўллардан,
Гулирайхон чаманлардан,
Бизнинг бул гўзал эллардан
Эсар Жайхун шамоллари.

Пахтакор халқ, меҳнат аҳли,
Мартабали идрок, ақли,
Хаёт жўш урса не чоғли,
Эсар Жайхун шамоллари.

Ўзбекистон — шонли диёр,
Булбуллар ишқинда ёнар.
Ҳамма фаслинда навбахор,
Эсар Жайхун шамоллари.

Умр қисқа, манзил узок,
Йиллар биздан кетар йироқ,
Мангу қўшиқ каби янгрор,
Эсар Жайхун шамоллари.

Эл меҳри сўнмас юзингдан,
Улуғ дарёин азимдан,
Қорақалпоқ, Хоразмдан
Эсар Жайхун шамоллари.



Ибройим дер, эл нафаси,
Амунинг сирли шарпаси,
Умримнинг бокий сабоси,
Салом, Жайхун шамоллари!

1981 йил.



ТОШКЕНТДА “ЯПОНИЯ КУЗИ”

Юртимиз бозорларини мева-чева, сабзавотлар билан тўқин қилган куз фасли санъат соҳасида ҳам саховатини аямади. Айниқса, август-сентябрь ойлари воқеаларга шунчалар бой бўлдики, санъат улғуриш мушкул. Ўзбекистонда Татаристон маданияти кўнралининг бошланғичи, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театрининг 90-мавсуми очилиши, киночилар форуми... Шундай қизиқарли тадбирлар орасида Ўзбекистон давлат консерваториясининг орган залида бўлиб ўтган Япония, Қозғистон ва Ўзбекистон мамлакатларининг етуқ мусиқа намоёндалари иштирокидаги концерт дастури ҳам санъат ишавандаларига бекиёс завқ бағишлади.

— “Япония кузи” деб номланган халқаро фестиваль доирасида ўтадиган мазкур тадбир ҳар йили баҳор ва куз ойларида ташкил этилади, — деди биз билан суҳбатда фестивал бадий раҳбари, Қозғистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби Тимур Урманчиев. — Ўзбекистонда ҳам аънамага айланган ушбу тадбирнинг мақсади ўзбекистонлик мусиқа ихлосмандларини ёрқин ижролар ва ижрочилар билан таништириш, санъат усталарининг ўзаро тажриба алмашинувини ташкил этишдир. Ҳар галги фестивалдан фарқли ўларок, Тошкентдаги бу йилги учрашув Қозғистон, Япония ва Ўзбекистон мусиқачилари ҳамкорлигида амалга оширилди.

Кунчиқар мамлакатидан келган орган созининг бекиёс ижро-

чиси Кейко Иноуэ дунёнинг энг машхур оркестрлари билан концерт берган. Ҳозир Кобе коллежнинг орган синфи талабаларига сабоқ беради. “Ўзбекистонда биринчи бор бўлишим. Мусиқа орқали тингловчиларга дунё композиторлари асарларининг бор гўзаллигини, айни пайтда, япон мусикасининг бетақор жарангини етказиб бериш асосий мақсадим. Шу билан бирга, кейинги сафар ўзбек мусикасини органга мослаштириб, ижро этиб беришни ният қилдим”. Хаджиме Сақита юртимизда эканидан хурсандлигини изҳор қилди. “Қуйловчи арра меннинг ажралмас дўстим. Ҳаммаша ҳамкасбим, пианиночи Кенжи Ямаши билан бирга ижод қиламан”, дейди у.

Халқаро танловлар лауреати Боуржан Аттаев раҳбарлигидаги

“Астана сози” фольклор-этнографик ансамбли консерватория сахнасида юксак маҳоратини намойиш этди. Ушбу жамоа қадимий қозоқ чолгуларининг қайта жаранга олиниши бебаҳо ҳисса қўшиб келаётган ансамбллардан бири. Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Регистон” ансамбли катнашчилари бўлган педагог ва талабалар халқ чолгу созлари ижросининг моҳир усталари. Бу жамоа дунёнинг кўплаб мамлакатларида гастроль сафарларида бўлиб, санъат мухлисларининг меҳрини қозongan. Мазкур концертда ҳам ансамбль ўз маҳоратини муносиб намойиш этди.

Концерт ўзига хос тарзда яқунланди: сахнага барча иштирокчилар таклиф этилди. Фестивал япон композитори С.Я. Гисаванин “Эртанги кун” деб номланган қўшиғининг ноёб мусикаси садолари остида ниҳоясига етди. Айнан шу қўшиқ барча япон мавсумларининг мадҳияси бўлиб, фестиваль катнашчиларини бирлаштиради. Залда янграган давомли гулдурос қарсақлар фикримизнинг далилидир. Зеро, ушбу мусиқа фестивали Ўзбекистонда ўтаётган Қозғистон кунларига муносиб тухфа бўлди.

Ф.ФАХРУТДИНОВА

“Давр садолари” янграйди

Шу йилнинг октябрь-декабрь ойларида республика миёсига ўтказиладиган навбатдаги “DAVR SADOLARI — IV” мусиқа фестивали композиторлик, бастакорлик ва мусикашунослик соҳасида олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос сарҳисоби бўлади.

Фестивал дастури Ўзбекистон композиторлик ижодиётига мансуб барча жанрларни камраб олган. Қарийб уч ой давом этадиган тадбирлар доирасида таниқли композиторларнинг ижодий кечалари, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Миродиқ Тожиёвнинг хотира концерти, Симфоник ва камер чолгу мусиқа кечалари, ёш композиторлар асарларидан тузилган концертлар, бастакорлик ижодиётига йўналтирилган концерт-учрашувлар бўлиб ўтади. Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, Мукимий номидаги мусиқа драма, Мусикали комедия (опера) театрларида композиторларимизнинг мусикали сахна асарлари қўйилади. Композиторлар ва бастакорларнинг янги ижод маҳсулларини саралашга йўналтирилган “Мустақиллик наволари” оркестрлар учун кичик жанрдаги асарлар танлови, “Дамли чолгулар оркестри учун асарлар” танлови, “Миллий мақом маркази” билан ҳамкорликда ўтказиладиган мақом асарлари асосида яратилган янги асарлар танлови ҳамда композиторларнинг мақом асарлари асосида яратган мусикали сахна асарлари танловлари фестивалга ўзгача руҳ бағишлайди, деб ўйлаймиз.

Барча вилоятларда уюшмиш худудий бўлимлари томонидан ўтказиладиган ижодий учрашувлар ва концертлар фестивал доирасини ҳар галгидан кенгайтиради. Шунингдек, ижодий уюшмалар “Дўстлар клуби”нинг “Сўз, оҳанг ва тасвир” ҳамда “Шу юрт фарзандларимиз” туркум учрашувлари, “Мусиқа билан учрашув”, “Мусикашунослар билан учрашув” туркум тадбирлари, замонавий композиторлик ижодиёти масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция фестивалнинг кенг камровда ўтказиляётганидан далолатдир.

Ф.ГУМАРОВА

М.НАБИЕВА

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ — БУНЁДКОР КУЧ

Бугун ахборот асрининг ихтиролари қаршида дунёнинг ривожланган давлатлари ҳам таълимга тушиб қолган. Ёшларнинг интернет билан сеҳрланиб, китоб ўқишга фурсати қолмаётгани, ҳатто бу ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаётгани барчани бирдек таълимга солади. Бунинг олдини олишда ривожланган давлатлар таъжрибаси асқотиши мумкин.

Ўтган асрнинг 80-йилларида Европа ва Америка давлатлари аҳолисининг катта қисмида “функционал саводсизлик” деб аталган муаммага дуч келинган. Бу нима? ЮНЕСКО ташкилоти томонидан таъкидланганича, бу амага ўқиш-ёзиш билиб, кейин бу кўникмани йўқотганларга нисбатан қўлланар экан. Муаммонинг олдини олиш мақсадида 1990 йил ЮНЕСКО ташаббуси билан Халқаро саводхонлик йили деб эълон қилинган. Чунки барча ривожланган давлатларда мана шундай таълимчиларни аҳоли кузатишган: ўтган асрнинг 90-йиллари бошларида Канада аҳолисининг тўртдан бири функционал саводсиз деб топилган (гарчи уларнинг ўндан бири қисми университетни тугатган бўлса ҳам). Германияда тўрт миллиондан ортиқ, Францияда 1996 йили меҳнатга лаёқатли аҳолининг 20 фоизига шундай таълимсиз кўйилган. Француз олимларининг фикрича, функционал саводсиз кишилар жамият томонидан иқтисодий ёки касбий жиҳатидан рад этилмайди, балки улар маданий-маънавий ривожланишда, ижтимоий-интеллектуал мулоқотда чекланган бўлишиди. Функционал саводсиз одамлар мактабда яхши ўқимаганлик, маданият муассаларидан фойдаланмаслик ва бошқа сабаблар оқибатида келиб чиқади. Уларнинг ақсари “сув ўқувчилар”, яъни китоб ўқишни хошламайдиганлар ҳисобланади. Бу гуруҳга кирувчи кишилар ўқишга вақт тополмайди ёки вақт ажратишни хошламайди, китоб ўқишни бефойда деб билади. Улар учун китоб ўқиш машаққатли иш бўлиб туялади.

Гарб давлатларида ўтган асрнинг 80-йилларида кенг жамоатчилик орасида болалар ва ўсмирларнинг “мутаола инкйозини” масаласи ҳам кизгин муҳокама қилинган. Бунга сабаб мутаолага нисбатан кам вақт ажратиши синга-

КИТОБ МУТОЛААСИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

ри таълимчиларни жараён. Жумладан, ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказиши борасида Германияда телевидение ва оммавий ахборот воситалари (хазир Интернет ҳам) етакчи ўринга чиқиб, Китоб ўқиш иккинчи даражага тушиб қолган, ҳар учинчи ўсмир функционал саводсизга айланган аниқланган. Францияда икки талабадан

КИТОБХОНЛИК

бири “Уч мушкетёр”нинг муаллифи кимлигини айтиб беролмаган. Англияда ёшларнинг улғайган сари китоб ўқиш даражаси пасайиб бориши кузатишган. Шаркий Европада, Польшада 90-йилларнинг иккинчи ярмида мутаола муаммолари кузатишган. АҚШда эса, 1983 йилда эълон қилинган “Миллат хавф остида” маърузасида функционал саводсизлар сони ортиб бораётгани, аниқса, ёшларнинг 17 фоизи шундай инкйозга йўлқани таъкидланган. Бунинг асосий сабаби телеканаллар сони ортиб бораётгани билан изоҳланган. Аниқса, катта мактаб ёшидагилар орасида бу кўрсаткич анчагина сезиларли бўлган. Айрим ёшлар виртуал оламга шунчалик боғланиб қолишганки, улар ҳар куни 18 соатча вақтини Интернет қаршида ўтказишган. Рухий жиҳатдан Интернетга қарамлик гиёҳвандликка тенглаштирилади. Турли таълимчиларга кўра, ҳозирги пайтда дунё бўйича Интернетдан фойдаланувчиларнинг ўн фоизи мана шу гуруҳга мансуб бўлиб, улар руҳий хаста ҳисобланади. Рус руҳшунослари Россияда жами Интернетдан фойдаланувчиларнинг 4-5 фоизини шу хавфли гуруҳга киритишган.

Шарқдаги ривожланган давлатларда ҳам шундай муаммолар кузатишган. Японияда 1990 йиллари болаларни

«тэрэбико» — “телевидение болалари” деб аташган эди, чунки болалар бир кунда 3-6 соат вақтини экран қаршида ўтказар экан.

Кейинги 20-30 йиллар давомида юқоридаги муаммолар сабабли болалар ва ўсмирлар китобхонлигини қўллаб-қувватлаш ривожланган давлатларда долзарб вазифалардан бирига айланган. Россияда бу борада 2007 – 2020 йилларга мўлжалланган миллий дастур қабул қилинган. Унга кўра, ЮНЕСКО меъёрлари бўйича ҳар йили 1000 кишига ўртача 250 донга янги адабиёт билан таъминлашни лозим бўлгани ҳолда Россия ҳудудининг ярмидан кўпиди бу кўрсаткич 100-150 донга китобдан ош-

та, бунинг учун таълимчи киши шарт эмас: кўп китоб ўқиган, мактабда яхши таълим олган ёшлар ҳаётда ўз йўлини осонлик билан топиб кетади. Таълимчиларга кўра, китоб ўқувчилар китоб ўқимайдиганлардан интеллектуал ривожлангани билан ажралиб туради. Улар муайян масала юзасидан мустақил фикрлайди, яхши-ёмонни ажрата олади, мақбул қарор қабул қилиш лаёқатига эга, хотираси мустаҳкам, нутқ маданияти ривожланган, бошқалар билан тез тил топиша олади. Гарб олимлари “функционал саводсиз” деб ҳисоблаган таълимчилар мамлакатга келтирилган иқтисодий зиёни юз миллиардлаб долларда ҳисобланган. Аммо “саводсиз”



янги кутубхона ёки унинг тармоқларини очган. Китобхонлиқни тарғиб этиш мақсадида ноанъанавий тадбирлар ишлаб чиқилган. Масалан, метро ва бошқа оммавий транспорт воситаларига энг яхши бадий асарлардан парчалар ёпиштириб қўйиш, касалхоналарда, боғларда болаларга китоб ўқиб бериш сингари кўплаб тадбирлар қўлланган. Хуллас, ёшлар кутубхонага бормаса, кутубхоначилар уларнинг ҳузурига келган. Бу ҳаракатнинг таъсири билан китобхонлиқ тарғиб этиш бўйича кўп йиллар давомида аҳоли орасида юриб, болаларга китоб ўқиб берган. Кутубхоначиларнинг мактаблар, поликлиникалар ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишлари давлат томонидан қўллаб-қувватланган. Францияда бундай кутубхоналарни “Деворсиз кутубхона” деб аташган.

АҚШда, ўша вақтдаги тахлилларга кўра, функционал саводсизлик оқибатида давлат 237 млрд. доллар зарар кўрганлиги аниқланган. Мутаола инкйозини тарғиб этиш борасида АҚШ Конгресси Кутубхонаси таркибидаги Китоб маркази томонидан истиқболли фаолият олиб борилади. Марказ китоб, китобхонлиқни тарғиб этиш бўйича миллий ва халқаро миқёсларда умуммиллий мавзулар ишлаб чиқариш ва амалга татиб кетади. Жумладан, Марказ томонидан “Ёш китобхонлар йили” (1989), “Китоб янги олам очади” (1992), “Китобхонлар миллиятини яратамиз” (1997-2000) сингари дастурлар қабул қилинган. Хуллас, Марказ томонидан аҳоли орасида китобхонлиқ

маданиятини ошириш борасида ўзига хос, такрорланмас тадбирлар ишлаб чиқилган.

Германияда 1988 йили Немис мутаола фонди ташкил этилиб, у федерал ҳудудлар, иқтисодий уюшмалар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида фаолият юритади. Мутаола фонди фаолиятида оиладаги китобхонликка алоҳида эътибор қаратилгани кузатилади.

Буюк Британияда ўтган асрнинг 90-йиллари бошида бир гуруҳ кутубхоначилар томонидан “Opening the Book” (Китобни очинг) компанияси ташкил этилган. 1992 йили мамлакат миқёсида ўтказилган “Мутаола ва келажак” мавзусидаги анжуманда кутубхоначилар, ноширлар ва китоб савдоси ходимлари, ёзувчилар, журналистлар, тадбиркорлар, давлат ва жамоат ташкилотлари бир мақсад йўлида бирлашади ва аниқ мақсадли ҳаракат дастури қабул қилинади. 1997 йили мамлакатда Миллий мутаола йили деб эълон қилиниб, унинг дастурида болалар ва ўсмирлар, шунингдек, оиладаги китобхонликка алоҳида эътибор қаратилади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, ёшлар, кенг аҳоли қатламлари орасида китобхонлиқни тарғиб этиш, мамлакатнинг китобхонлар юртига айлантириш учун тизимли фаолият ташкил этиш талаб қилинади. Бу эса, албатта, мамлакатнинг нафақат маънавий таракқиётида, балки иқтисодий ривожига ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хумоюн АКБАРОВ

АРАБ ШОИРИНИНГ ЎЗБЕКЧА КИТОБИ



“Ўзбекистоннинг Миллий кўргазмалар залида (Tashkent Book Fest) I Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси давом этмоқда. Юртимизда илк бора ташкил этилган мазкур халқаро анжуман доирасида янги китоблар тақдимотлари, китоб муаллифлари, ёзувчилар, шоирлар, таржимонлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Ана шундай адабий тадбирлардан бири “Адабий дўстлик – адабий дўстлик” деб номланган, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасы “Ижод” жамоат фонди томонидан нашр этилган карлош халқлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар адабиёти намуналари тақдими таъдирланди. Ўтган йили қозоқ муомтоз адабиёти сиймоси Абай Қўноқовнинг “Сайланма” асарлари, “Ўзбек-қозоқ адабий алоқалари”, Чингиз Айтматов танланган қиссалари нашр этилган бўлса, Халқаро китоб фестивали ўтказилаётган айни шу кунларда араб адабиётининг иқтидорли вакиллари билан бири Мухаммад бин Рошид Ол Мактумнинг “Шеърлар ҳазинаси” китоби Ўзбек тилида босмадан чиққан китобхонларга муносиб совға бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасы раисининг ўринбосари Ғайрат Мажида сўзга чиқиб, бугунги кунда мамлакатимизда халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима ривожига бўйича яратиб берилган имкониятлар, бу борада ёзувчилар уюшмасыда амалга оширилаётган ишлар, она тилимизга таржима қилинаётган карлош халқлар ҳамда жаҳон адабиёти дурдоналари, ўтказилаётган халқаро тадбирлар, муомтоз ва замонавий миллий асарларимизнинг чет элларга тарғиботи ҳақида гапирди. Шоирлар Рустам Мусурмон, Ахтамкул Карим, Фахриддин Хайит Мухаммад бин Рошид Ол Мактум шеърларидан она тилимизга қилган таржималаридан намуналар ўқиди.

Тақдими Халқаро китоб анжумани иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

БОЛАЛАР БЕКАТИ



Раҳима Содиқова бир неча шеърлар китоблари билан шеърлар муҳлисига таъин. Яқинда “Тафаккур қаноти” нашриётида шоирнинг болажонларга аталган “Набираларимга” номли китоби нашр этилди. Эътиборингизга ушбу шеърлардан намуналарни ҳавола этаймиз.

Китоб — бизнинг дўстимиз,
Тузатар кам-қўстимиз.
Китобга бўлган ошмо
Энг ақлли, энг доно.

Чунки китобимизда
Даҳоларнинг сўзи бор.

Нур бериб қалбимизга
Порлаб туради такрор.

Ўқиб, ўқиб ва ўқиб,
Ўқувчилик бурчимиз.
Йўлдошимиз фан, юмуш,
Билимдадир кучимиз.

Харсанг тошлар қифтидан
Шарқираб чиқар булок.
Она ерининг қўсига
Гул-лола тақар булок.

Оқишлари шўх, қувнок,
Жимирлайди, ўйнайди.
Оламга очиб кучок
Севинчидан қўлайди.

Лип-лип қилиб учасан,
Капалажон, капалак.
Гулларимни қучасан
Қанотинг майин ипак.

Мана сенга талай гул,
Капалажон, капалак.
Боғимизда ўйна, кул,
Қанотлари камалак.

Энди қандок қилайин,
Тутқич бермай учасан.
Қанотингни сийлаин
Десам, мендан қочасан.

Раҳима СОДИҚОВА

КАСБЛАР ИЧИДА ШАРАФЛИСИ

Азалдан юртимизда устоз, ўқитувчи касби шарафлиб келинади. Бу улғу касб соҳиблари ҳақида сўз юритилганда беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу байти ёлға келади:

Ҳақ йўлида ким сенга бир харф
Ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг

Дарҳақиқат, ҳар биримиз қайси бир касб эгаси бўлмайлик, муаллим сиймоси қошида доимо таъзимдамиз. Зеро, барчамизни илм-таълим пиллапоғларига етаклаган улар — ўқитувчи ва мураббийлардир.



Мамлакатимизда кенг нишонланаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини муносабати билан барча ҳудудларда, шаҳар ва қишлоқларда ўтаётган байрам тадбирларида давлатимиз томонидан жамиятда ўқитувчиларнинг юксак макomini тиклаш, таълим сифатини ошириш, халқ таълим тизимини тубдан ислох қилиш мақсадида амалга оширилаётган ишлар алоҳида таъкидланаётган.

Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманидаги 180 “А”-сонли мактабда “Устоз,

номинг улғу дунёда” деб номланган тадбирга тақдир этилган фахрий устозлар бутун таълим тизимидаги янгилик ва ўзгаришлардан беҳад мамнун эканликларини айтишди. “Мана, ўқитувчилар маоши ошди, улар энди турли қозғозбозликлару хашарлардан озод. Энди ўқувчиларга ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта билим бериш сизнинг зимманидаги шарафли бурч”, деди фахрий устоз, Манон Уйғур номидagi маҳалла фаоллари йиғилиши раиси Ш.Музаббеков.

Тадбирда сўзлаган мактаб раҳбари Д.Тўхтасева, маънавий-маърифий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари М.Қамаритдинова, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Р.Алимова ва бошқа ўқитувчилар жамият таракқиётига муносиб хисса бўлиб қўшилидиган ёш авлод таълим-тарбияси ўзлари учун ҳам шарафли, ҳам ғоятда маънавийлик ва ахлоқий ҳарбий тўғарак аъзоларининг чиқишлари тадбирга таъриф буюрган меҳмонларда, ўқитувчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Рохила АХМАТОВА,
Ўқитувчи

Бобур номли халқаро жамоат фонди жамоаси фонд бошқарув кенгаши аъзоси, Халқаро Бобур муқофоти совриндори, шарқшунос олим, профессор

Сайфиддин ЖАЛИЛОВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.



O'ZBEKISTON
ADABIYOTI VA SAN'ATI



Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Хамкорларимиз:



Бош муҳаррир
ўринбосари

Бахтиёр
ҲАЙДАРОВ

Тахриратга келган қўлхатлар тахрир этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқлангани мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Абдураҳим АЗИМОВ
Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
26.11.2014 йил 0283-рақами билан рўйхатга олинган.
Адаби - 5632. Буюртма Г - 1055.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширишди - 20.20

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.



Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Тақдид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42

Саҳнати бўлими: 233-56-40

Назм ва наср бўлими: 233-58-60